



“Рангтасвир (турлари бўйича)”

РАНГТАСВИРДА АКАДЕМИК МАКТАБ УСЛУБИ

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

**ЎзБА ҳузуридagi
MARKAZ**



Ушбу ўқув-услугий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021 йил 25 декабрдаги 9-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: К.Бехзод нимидаги МРДИ “Маҳобатли рангтасвир” кафедраси профессори Худайберганов Рустам Адамбаевич

Такризчилар: Хорижий эксперт: Тяджун Иун (Лужин Иун) - Ўзбекистондаги Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОІСА) томонидан шартнома асосида МРДИ “Миниатюра ва китоб графикаси” кафедрасида волонтер ўқитувчи.

Ғ.Қодиров - МРДИ “Маҳобатли рангтасвир” кафедраси профессори, академик.

Ўқув -услугий мажмуа ЎзБА ҳузуридаги Марказ Илмий методик Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2022 йил “20” июлдаги 4-сонли баённома)

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	12
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	20
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	55
V.	КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	60
VI.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	63
VII.	ГЛОССАРИЙ.....	70
VIII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	77

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Рангтасвирда академик мактаб услуги” модулининг мақсади педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

“Рангтасвирда академик мактаб услуги” модулининг вазифалари:

- “Рангтасвир (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
 -мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

-махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Рангтасвир (турлари бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Рангтасвирда академик мактаб услуби” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- рангтасвирнинг бадиий воситаларини;
- рангтасвир композицияси қонун-қоидаларини;
- тасвирий санъатда ижодий услубларни;
- академик чизматасвирнинг тасвирий санъатдаги аҳамиятини;
- колорит ечими ва инсон рухиятига таъсирини;
- рангтасвирда композиция қурилишида ижодий тафаккур юритишни;
- академик рангтасвир ишлашда янги технологиялардан фойдаланишни *билиши* керак.
- хорижий академик рангтасвир санъати усулларини кадрлар тайёрлаш миллий тизимига жалб этиш;
- академик чизматасвир ва рангтасвир санъати соҳаси олий таълим муассасаларининг тажрибаларини ўрганиш ва миллий кадрлар тайёрлаш тизимига татбиқ этиш;
- чизматасвирда шакл ва ҳажм тасвирлашда бадиий ҳис қилиш;
- чизматасвир ва рангтасвирнинг ўзига хослиги англаш;
- рангтасвир ва чизматасвир янги техникаларини ўрганиш;
- рангтасвирда рангшунослик асосларини англаш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.
- бадиий асарда томошабин диққатини жамлаш;
- чизматасвир ва рангтасвирда бадиий фикрлаш;
- рангтасвир ривожланишида оқим ва йўналишлардан фойдаланиш;
- академик рангтасвирда ижодий тафаккур юрита олиш ва таҳлил этиш;

- академик чизматасвир ва рангтасвир ишлашда илғор, замонавий усубларидан фойдалана олиш;
- тасвирий санъат кўргазма ва галериялари асарларини таҳлил қилаш *малакаларига* эга бўлиши зарур.
- рангтасвирда рангларнинг инсон руҳиятига таъсирини санъат асарлари орқали ифодалаб бериш;
- тасвирий санъатда академик рангтасвир композицияси орқали ижодий тафаккур юрита олиш;
- академик рангтасвирнинг турли кўринишларида психологик таъсирчанликни амалга ошириш;
- тасвирий санъат соҳаси ташкилотларини стратегик бошқариш;
- хусусий талаб ва корпоратив коллекциялаш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш бўйича тавсиялар

“Рангтасвирда академик мактаб услуги” модули ҳозирги кунда таълимнинг замонавий методлари, ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, шунингдек анъанавий ва замонавий дирижёрлик асарларидан ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ижрочилик малакаларини шакллантириш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Рангтасвирда академик мактаб услуги” модули мазмуни ўқув режадаги “Рангтасвирда илғор йўналишлар ва бадиий ёндашувлар”, “Чизматасвирда академик мактаб услуги”, “Композицияда услублар ва бадиий таҳлил” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида номоддий маданий мероснинг ўрганилишини таъминлаш, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Жами	назарий	амалий	кўчма
1.	Рангтасвирнинг тасвирий санъатдаги ўрни. Илғор хорижий санъат таълим муассасаларининг тажрибаларини ўрганиш ва миллий кадрлар тайёрлаш тизимига тадбиқ этиш.	2	2		
2.	Рангтасвир асосларининг вазифаси. Рангтасвир турлари ва воситалари.	2	2		
3.	Рангтасвирда академик мактаб услублари. Рангтасвир композициясида қоида ва қонунларнинг аҳамияти.	4		4	
4.	Академик рангтасвирда натурадан ишлашнинг аҳамияти ва талаблари. Академик рангтасвирда пленернинг ўрни.	6		4	2
5.	Академик рангтасвирда маҳоратни ошириш методлари. Ижодий ишларни ўзаро презентация қилиш.	6		4	2
Жами: 20		20	4	12	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Рангтасвирнинг тасвирий санъатдаги ўрни. Илғор хорижий санъат таълим муассасаларининг тажрибаларини ўрганиш ва миллий кадрлар тайёрлаш тизимига тадбиқ этиш. (2 соат)

Рангтасвирнинг тасвирий санъатдаги ўрни. Илғор хорижий санъат таълим муассасаларининг тажрибаларини ўрганиш ва миллий кадрлар тайёрлаш тизимига тадбиқ этиш. Рангтасвирнинг ўзига хослиги. Рангтасвирда шаклларни ифодалаш усуллари. Рангтасвирда рангнинг роли. Рангтасвирнинг ривожланиш тарихи.

2-мавзу: Рангтасвир асосларининг вазифаси. Рангтасвир турлари ва воситалари. (2 соат)

Рангтасвир асосларининг вазифаси. Рангтасвир турлари ва воситалари. Рангтасвирда анъанавийлик ва оқимлар. Рангтасвирда шаклларни турли ифодалаш усуллари. Рангтасвирда шакл ва қиёфалар образи. Рангтасвирда шакл ва қиёфалар тасвирида бадиийлик.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Маърузадан сўнг режалаштирилган уч мавзуси асосида амалий машғулот ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган рангтасвир йўналиши бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ амалий рангтасвир ишлаш шаклида бажарилиши мумкин.

Назарий таълим режалаштирилмаган амалий машғулотлар қуйида келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзусга бўлган муносабатини амалий кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, қўшимча воситалар, шунингдек натурадан амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

1-амалий машғулот: Рангтасвирда академик мактаб услублари. Рангтасвир композициясида қоида ва қонунларнинг аҳамияти. (4 соат).

Рангтасвирда академик мактаб услублари. Рангтасвир композициясида қоида ва қонунларнинг аҳамияти. Мазкур мавзуда тингловчилар томонидан натурани рангтасвирда ифодалашни ўрганиш асосида қўйилган вазифаларни амалга оширишни ўрганиб ўз амалий ийида намоён қиладилар. Натурадан ёки пленерда рангтасвир ишлаш ва тасвирлашда академик усуллар ёрдамида бажарадилар. Натурадан ишлаш асосида рангтасвир тўғрисида бадиий ечимни таҳлил қилган ҳолда бажарадилар.

2- амалий машғулот: Академик рангтасвирда натурадан ишлашнинг аҳамияти ва талаблари. Академик рангтасвирда пленернинг ўрни. (4 соат).

Академик рангтасвирда натурадан ишлашнинг аҳамияти ва талаблари. Академик рангтасвирда пленернинг ўрни. Рангтасвирда икки ва уч ўлчамлик тасвирида бадиий ёндошув. Рангтасвирда шаклларни ифодалашда планлар ва муҳит. Рангтасвирда шакл ва қиёфаларни образли тасвирлаш усуллари. Рангтасвирда шакл ва қиёфалар бадиийлик талқинида колорит.

3 – амалий машғулот: Академик рангтасвирда маҳоратни ошириш методлари. Ижодий ишларни ўзаро презентация қилиш. (4 соат).

Академик рангтасвирда маҳоратни ошириш методлари. Ижодий ишларни ўзаро презентация қилиш. Тингловчилар томонидан мавзу асосида академик дастгоҳли рангтасвир услубидаги композицияда шакллар ва қиёфалар ёрдамида бадиий тасвирлашни ўрганадилар. Мавзуга асосан шаклларни композиция турларига мослаб академик мактаб талаблари асосида ўз маҳорати ва кўникмаларини намойиш этадилар.

КЎЧМА МАШЎУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Маъруза амалий машғулотлардан сўнг режалаштирилган кўчма машғулотлар тингловчиларнинг маъруза ва амалий машғулотларда олган билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида жойлар (устахона, музей, бадиий кўرғазмалар)да ўтказилади. Бунда, тингловчилар ўз амалий фаолиятига татбиқ этиш билан бир қаторда мулоқот қилиш, уларнинг амалий фаолиятини кузатиш, рассомлар томонидан яратилаётган санъат асарлари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

1-кўчма машғулот: Академик рангтасвирда натурадан ишлашнинг аҳамияти ва талаблари. Академик рангтасвирда пленернинг ўрни.

Академик рангтасвирда натурадан ишлашнинг аҳамияти ва талаблари. Академик рангтасвирда пленернинг ўрни. Тингловчилар Тошкент шаҳрида жойлашган рассомлар устахоналаридан бирига ёки кўрғазмаларга ташриф буюрадилар. Олдиндан келишилган рассом фаолияти тўғрисида суҳбатлашиши каторида ижодининг ўзига хос томонлари, устозлари, шогирдлари тўғрисида маълумотга эга бўлиб, ўзининг кундалик бажарадиган амалий фаолиятини намойиш этиб беради. Шу билан бир қаторда тингловчилар ижодкорнинг ишлари ёки мастер-классларини, ижодий

асарларини томоша қилиб, танишиб, ўз фикрларини жамлаб асарларида баён этишлари учун шароит яратилади.

2-кўчма машғулот: Академик рангасвирда маҳоратни ошириш методлари. Ижодий ишларни ўзаро презентация қилиш.

Академик рангасвирда маҳоратни ошириш методлари. Ижодий ишларни ўзаро презентация қилиш. Тингловчилар Тошкент шаҳрида жойлашган рассомлар устахоналаридан бирига ёки бадий кўргазма залларига ташриф буюрадилар. Олдиндан келишилган рассом фаолияти билан танишиб, у тўғрисида суҳбатлашиши қаторида ижодининг ўзига хос томонлари, рангасвир асарларининг композициясини, колоритини, мавзунини талқин этишини кузатадилар. Тегишли мавзуда савол-жавоб, фикр алмашув асосида уларнинг маҳоратини синчиклаб ўрганадилар. Шу билан бир қаторда тингловчилар ижодкорнинг ишлари ёки маҳорат дарсларини кузатиб, асар яратиш сирлари ва композицияси билан танишиб, ўз фикрларини баён этишлари учун шароит яратилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш), кўчма машғулотлар;
- давра суҳбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар, амалий машғулотлар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Аклий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: аклий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Аклий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

Тўғридан-тўғри жамоали аклий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий аклий ҳужум – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Намуна: Гуруҳга муаммоли вазият берилади, мисол учун оркестрни ташкил этувчи коллективдаги психологик вазият ёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали аклий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яъни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлган фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.



«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод

дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде қўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерде (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари

1. Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни (кичик ва индивидуал гуруҳларда аниқлаш)
2. “Монна-Лиза” портретини ишлашда қахрамоннинг руҳий ҳолатини очиб беришда рассомнинг маҳоратини аниқланг. (гуруҳларда таҳлил ёзма ёки оғзаки.)

Кейс. Леонардо да Винчи “Монна Лиза” картинасини чизаётганда асар қахрамонининг ички дунёсини очиб бермаганида асар картина даражасига кўтарилармиди?

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустакил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили катнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тарихий ёки маиший мавзудаги кўпқоматли композиция асарининг ғояси”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки катнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-	2-	3-
----------	----	----	----

	матн	матн	матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тўлиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Мотив	(французча сўздан motif- сабаб, сюжет):	Амалий – безак санъатда – асосий элемент орнамент

	1) Натура объекти, рассом томонидан тасвирлаш учун мўлжалланган объект ёки баъзи холларда манзара бўлиши мумкин;	композицияси кўп такрорли бўлиши мумкин.
Муносабат, нисбат.	(отношения) – асар яратишда фойдаланилган натура элементларининг ўзаро боғлиқлиги. Масалан: рангтасвирда тус ва ранг муносабати, хар хил ёрқинлик нисбати. Чизматасвирда ўлчам ва шакл нисбатлари. Санъатда таққослаш усули билан аниқланади	Тус ва ранг муносабаталари контраст, ўткир ва енгил нюансли бўлиши мумкин.
Наброска	тез ишланган хомаки чизматасвир. Наброскада шакл тасвири умумлаштирилган бўлиб умумий тасаввур беради.	Наброска алоҳида аҳамиятга эга бўлиб картина учун бажарилиши мумкин.
Оригинал	(лотинча сўздан <i>originalis</i> – биринчи бор, асли, асл нусхаси) Тасвирий санъатда рассом томонидан ижодий яратилган санъат асари;	нусхаси олинган хар қандай тасвирий санъат асари.
Панно	(французча сўздан <i>panneau</i> -рамкага солинган тахта, доска) – Безакли хайкалтарошлик ёки рангтасвир асари; Бинога ёки бирон жойга мўлжалланган бўлиши мумкин. Панно одатда деворни безаш учун хизмат қилади. Панно холстга ишланиши мумкин;	Панно байрам кунлари шаҳар кўчаларини безаш учун вақтинчалик жойлаштирилади.
Пластика	(грекча сўздан <i>plastika</i> - ваяние) – 1) рангтасвирда, чизматасвирда ва хайкалтарошликда буюмни шакллантириш, тасвирни ҳосил қилиш; 2) ифодали рангтасвир ишлаш йўли, мўйқалам билан ишлашдаги енгиллик, моҳирлик.	Ҳайкалтарошликда, графикада ва тасвирий санъатда шаклнинг аниқликка, ифодаликка эришиш.

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу ёки бирор бир картина юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл куйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб кўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб кўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Рангтасвирнинг тасвирий санъатдаги ўрни. Илғор хорижий санъат таълим муассасаларининг тажрибаларини ўрганиш ва миллий кадрлар тайёрлаш тизимига тадбиқ этиш (2 соат).

Режа:

1.1. Рангтасвирнинг ривожланиш тарихи ва тасвирий санъатдаги ўрни.

1.2. Илғор хорижий санъат таълим муассасаларининг тажрибаларини ўрганиш

1.3. Рангтасвирнинг ўзига хослиги, шаклларни ифодалаш усуллари.

Таянч иборалар: *Тутанхамон мақбараси, Буюк Александр ва унинг триумфи ёки Мартин Лютер, Медузанинг хотиржамлиги, Пьерронинг маъюс кўриниши Ласко гориди “Авиньонские девицы” картинаси.*

1.1. Рангтасвирнинг ривожланиш тарихи ва тасвирий санъатдаги ўрни

Рангтасвир.— кенг маънода санъатнинг асосий хусусияти бўлиб, бу хусусият санъатда ҳаётни акс эттириш ва билишнинг бошқа (масалан, илмий) формаларидан фарқ қилади. ҳаётни бадиий акс эттириш воқеликни образлар орқали акс эттиришдан иборат бўлиб, бу бадиийликнинг асосидир. Шу маънода бадиийлик образлиқ (образ) тушунчасига мос келади.

Тор маънода бадиийлик сўзи адабиёт ва санъат асарининг ижтимоий-эстетик аҳамиятини белгиловчи сифати ва даражасига нисбатан қўлланилади. Бадиийлик асарда ҳаётнинг ҳаққоний акс эттирилиши, характерларнинг типиклиги, санъаткор талқин этган ижтимоий идеалнинг муҳимлиги, асарнинг аҳамияти, халқчиллиги, ёзувчининг шакл ва мазмун бирлигига эришишдаги маҳорати, асар ижтимоий-тарбиявий таъсирининг кучли ва баракали бўлиши билан белгиланади.

Бадиий рангтасвир санъати – тасвирий санъатнинг бир туридир. Унда реал ҳаётдаги нарса ва ҳодисалар мато, қоғоз, фанера, девор ва бошқа нарсаларда бўёқлар билан тасвирлаган мукамал бадиий асар ҳисобланади.

Рангтасвир санъати жуда қадимдан мавжуд. Бу санъат ибтидоий одамлар яшаш учун курашда тош қуроллар ишлата бошлаган пайтларда пайдо бўлган.

Ибтидоий одам тошда ранг-баранг бўёқлар билан ҳайвонларнинг, ўсимликларнинг характерли белгиларини акс эттиришга интиланган.

Рассом бўёқлар ва махсус усуллар ёрдамида жисмнинг қандайлигини, маконли ҳажми тасвирини яратади.

Рангтасвир санъати асосан бешта асосий элементдан иборатдир. Бу элементлар буюм шаклини, рангини, ёритилишини, ясалган материални, тасвирланаётган нарсанинг қандай шароит ва муҳитда эканини тасвирлашда намоён бўлади.

Рангтасвир санъатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда рассом мавжуд воситалар ёрдамида нарса шаклини ва перспективасини, ранги ва материални, психологик ҳолати, анатомик тузилишини ва ҳоказоларни тасвирлайди.

Рассом ўзи яратаётган бадиий образида ҳаёт қонунларини, унга ўз муносабатини ифодалашга интилади.

Жуда қадим замонларда, меҳнат жараёнининг тараққиёти натижасида тасвирий санъат пайдо бўлди. Меҳнат жараёнида инсон тафаккури камол топди, гўзаллик ҳисси ортди, воқеликдаги гўзаллик, қулайлик ва фойдалилик тушунчалари кенгайди. Синфий жамят вужудга келиши билан эса ижтимоий тараққиётда катта ўзгаришлар содир бўлди; ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқа бошлади. Бу эса фан ва санъат ривожига муҳим аҳамият касб этди.

Профессионал санъат ва санъаткорлар шу даврда пайдо бўлди. Санъат эса ўзининг ўзига хос хусусиятини, синфийлигини намоён этиб, ҳукмрон синфнинг идеологиясини тарғиб этувчи кучли ғоявий қуролга айланди. Лекин шунга қарамай, омма орасидан етишиб чиққан истеъдодли ижодкорлар меҳнаткаш халқ оммасининг орзу-истакларини, уларнинг гўзаллик ва худбинлик, олийжаноблик ва инсонпарварлик ҳақидаги тушунчаларини ифода этувчи асарлар яратдилар. Халқнинг турмуши, мулк ва одатлари, ютуқ ва мағлубиятлари уларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Ҳар бир даврда мавжуд бўлган ана шундай санъат ҳаёт гўзалликларини тасвирлаб, одамларда юксак ҳислат ва фазилатларни камол топтирди, уларни тенглик, озодлик, биродарлик ёрқин келажакка интилишга даъват этди. Ҳақиқатдан ҳам инсоният яратиб қолдирган маданий қадриятлар оддий бойликлар бўлиб қолмай балки ўзида инсон ақл-заковати, ҳаёт тўғрисидаги фикр - ўйларини акс эттирувчи кўзгу хамдир.



Жаҳон санъати тарихини ўрганиш унинг таракқиёт қонунларини тушуниш нодир ёдгорликлар билан танишиш, ўтмиш одамларнинг ҳис туйғу ҳаётий тажрибаларини ўрганиш ғоявий-эстетик қарашларнинг шаклланишини билиш демакдир. Бу сўзсиз, кишиларда ҳаётий тажрибаларнинг бойишига, ҳаётга янада кенг ва атрофлича ёндошишга ёрдам беради. Тасвирий санъат турларига рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик киради.

Рангтасвир тасвирий санъатнинг энг муҳим турларидан бўлиб, махсус **A Baker and His Wife**¹

полотноларга, деворларга ишланади. Тасвирий ва амалий санъат асарларида ифодаланган мақсад ва мазмунни очиб беришда ранг муҳим ўрин эгаллайди.

Тасвирий санъат турлари ҳар хил бўлиб рассомлар ўз ижодида турли жанр ва оқимларда асарлар яратиб келганлар. Жумладан:

Академизм - академик услубга оид бадиий йўналиш.

Автопортрет (грекча сўздан. *Outos* - ўзим) - рассом ўзини-ўзи тасвирлаган портрет. Бу ҳолда рассом ҳам, тасвирдаги шахс ҳам бир кишининг ўзидир.



Dance (first version)

Абстракционизм – мавҳум санъат асарларини ўз ичига олган бадиий йўналиш.

Авангардизм - XX асрда пайдо бўлган, янги шакл, услуб, усул ва бошқа тасвирий воситалар асосида ихтиро қилувчи, изланувчи (баъзида бу сўз билан янги бадиий йўналишларни ҳам аташади).

Натурализм - тасвирий санъат йўналишларидан бир бўлиб, тасвирловчи,

тасвирланаётган нарсаларнинг биринчи галда ташқи кўриниши, сиртки суратини тасвирлаш лозимлигини мақсад қилиб кўяди тўғридан тўғри шаклни кўчириб тасвирлайди.

¹ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-17

Классицизм Ахмонийлар давлатининг барҳам топишига сабаб бўлган Александр Македонский босқинчилик юришлари (эр.аввалги 334-326 йиллар) Марказий Осиё маданияти ва санъати тарихида янги давр эллинизм даври бошланишдан дарак беради. Эллинистик анъаналари Бактрия санъатида (Далварзинтепа, Халчаён, Кампиртепа, Эски термиз) яққол намоён бўлди.



Суғд ҳамда Хоразмнинг бадиий маданиятида бир мунча камроқ ўз ифодасини топган. Антик дунё даврида меъморчилик, ҳайкалтарошлик, деворлардаги мажозий рангтасвир санъатининг энг кўп тарқалган ва характерли турлари бўлиб қолди.

Қадимги Ўзбекистон тасвирий санъатининг сюжет негизлари ягона бўлгани ҳолда улар турли минтақаларда турлича талқин қилинади. Хоразм санъати бетакрор бўлиб, ўзига хос композицион режаларга эга будда мавзуларига оид ишлар учрамайди.

Ўрта асрлар бошларида Ўзбекистон худудининг бир қисми Турк хонлиги таркибига кирган. Бу даврдаги бадиий ҳунармандчилик асосан металлдан ясалган маиший буюмларда ўз аксини топган бўлиб, уларда



сосонийлар ва Узоқ Шарқ санъати анъаналари ўзига хос тарзда уйғунлашган. Ўрта асрлар бошидаги деворлардаги нақшлар тасвирнинг мураккаблиги, композициянинг бойлиги ва рангларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Суғдда қора пластика ва кандакорлик санъати анча тараққий этганди. Бир қатор ҳайкаллар турлари ишлаб чиқилиб, уларнинг бир қисми диний, бир қисми эса – эпик образлар билан боғланган.

Суғддаги жасадлар кули солинган хокдонлар ҳар хил кабарик тасвирлар туширилган тоштобут қора пластиканинг алоҳида турини намоён қилади.

Эрамининг VII-VIII асри бошида Ўзбекистон худудида тасвирий ва амалий санъатнинг ривожланишида ўз таъсирини кўрсатган ислом дини кенг тарқала бошлади. Марказий Осиёда шу муносабат билан антик ва Ўрта асрлар бошидаги меросга муносабат ўзгарди.

XI аср ўргаларига бориб санъатда нақшли - безакли негиз тўла устунлик килди. Деворлардаги нақшлар ва ҳайкалтарошлик амалда барҳам топиб,

бадий хунармандчилик биринчи ўринга чикди. Ўзбекистон аҳолисининг маиший турмушидан кенг ўрин олган, IX – XII асрларда Бухоро, Самарқанд ва бошқа бир қатор шаҳарларда кўлэзма ҳаттотлиги китобларни безаш санъати ва муковачилик ғоят ривож топди. Қадимги кўлэзмаларнинг бадий безатилиши жимжимадор ҳуснихат билан нафис нақшларни ўзида бирдек мужассам этганди. Бу ерда Шарқ миниатюра рангтасвирининг ажойиб бадий мактаблари таркиб топди.

Портрет жанри. - Инсон қиёфасини ички психологик олами билан боғланган ҳолда аниқ бир образда яратилиши портрет санъати деб юритилади. Портретда инсоннинг тўла гавдаси, ярми ёки юз қиёфасининг фақат ўзи ҳам бўлиши мумкин. Портрет санъатини яратишда бебаҳо ютуқларни кўлга киритган буюк рассомлардан Камолиддин Бехзод, Леонардо да Винчи, Рембранд, шунингдек, ўзбек рассомларидан Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Чингиз Аҳмаров ва бошқа бир қанча рассомларни мисол келтириш мумкин. Портрет яратиш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, инсоннинг анатомик тузилишидан тортиб ички рухий, маънавий, шунингдек, ташқи кўринишидаги барча жиҳатларини акс эттириши санъат даражасидаги асар бўлиши мумкин.

Анимал жанри - ҳайвонот дунёсини, жониворларни тасвирловчи тасвирий санъат тури.

Маиший жанри - жамият ва шахсий ҳаётдаги кундалик турмуш тарзини ўзида акс эттирувчи тасвирий санъат жанри. Бу жанрда рассом (хайкалтарош)



ўз замонасидаги кундалик турмушда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни, одамларнинг яшаш тарзи, дам олиши, меҳнати ва спорт билан шуғулланиши, хуллас уларнинг кундалик фаолияти бу жанрнинг мазмунини ташкил этади.

Манзара жанри - Тасвирий санъатнинг лирик жанрларидан бири, унда



реал ёки хаёлий табиат кўринишлари орқали рассомнинг ҳис туйғулари, уй хаёллари, орзу истаклари ўз ифодасини топади. Бу жанрда инсон фаолияти билан ўзгариб бораётган табиат манзаралари, меъморий қурилмалар, тоғ манзаралари, денгиз тўлқинлари тасвирланади.

Баталь жанри (франц. bataille - жанг), жанг ва ҳарбий ҳаётга бағишланган мавзудаги тасвирий санъат жанри. Ўтмиш ва бугунги кунда бўлаётган жанг воқеалари (шунингдек денгиздаги жанг воқеалари), ҳарбий юришлар, жангчилар ҳаётидан олинган сюжетлар бу жанр мазмунини белгилайди. Бўлаётган жангнинг муҳим пайтлари, унинг моҳиятини, тарихий дамларини тасвирлашга интилиш бу жанрни тарихий жанрга яқинлаштиради ҳарбий жангчилар ҳаётига бағишланган асарлар эса маиший жанрга яқинлаштиради.

Натюрморт (франц. nature morte, итал. natura morta, улик табиат)



инсонни ўраб турган борлиқ — турли буюмлар, овда отилган қуш ва ҳайвонларнинг жонсиз таналари, ов, меҳнат ва жанг қуроллари, гул ва мевалар ва бошқа шунга ўхшаш буюмларларни ўзида акс эттирадиган тасвирий санъат жанри.

Декоратив санъат — уй-рузғор буюмларини бадиий жиҳатдан ишлаш, биноларнинг ташқи ва ички томонларини безаш.

Архитектура биноларидаги безак, нақшлар, декоратив скульптура, мозаика, витраж, турли материалларга ўйиб ишланган нақшлар декоратив санъатга киради.



Монументал (маҳобатли) рангтасвир - Меъморлик санъати билан



боглик булган рангтасвир асарларини монументал (маҳобатли) рангтасвир деб юритилади. Монументал рангтасвир меъморчилик мажмуида маълум микдорда безак вазифасини утайди, шунинг учун ҳам у монументал-декоратив рангтасвир деб ҳам юритилади. Монументал рангтасвир меъморчилик билан боғлиқ бўлиб, улар уйларнинг деворларини, шифтларини безашда қўлланилади. Катта ҳажмда узокдан кўришга мўлжалланганлиги учун булар яхлитлаштирилган

ҳолда ишланади, ранглар ҳам шартли равишда олинади.

Деворий рангтасвир (роспис) Архитектурани безашда маҳобатли



рангтасвирнинг бир неча турлари мавжуд: яъни, альфреско (фреско, темперали расм), рим мозакаси, флоренция мозайкаси, сграффито, рангли сувоқли инкрустация, рангли левкас, классик витраж, алюминий арматурали витраж, елимланган витраж, бетонла витраж, куйма витраж, мозайкали витраж, кундал, силикатли рангтасвир ва бошқалар ҳисобланади.

Мўъжаз санъат асарлари турли мамлакатларда шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида жуда ҳам қадим замондан таракқий этиб, қадимий қўлёмаларга ишланган. Чунончи, Алишер Навоийнинг "Хамса" асарларига ишланган расмлар бунга мисол бўла олади.

Дастгоҳли рангтасвир асарлари кенг тарқалган бўлиб, махсус матолар, картон, ёғоч, ромкага тортилган мато-холст ва шу кабиларга ишланади. Дастгоҳли рангтасвир мойбўёк, гуашь, сувбўёк, темпера бўёкларидида махсус дастгоҳларга ўрнатилиб ишланади.

Графика - лотинча "графо" сўзидан олинган бўлиб, "ёзаман", "чизаман"



деган маънони англатади. Тасвирий ва амалий санъатнинг бу турига оддий ва рангли қаламда кўмир, пастель, сангина, сувбўёқ, гуашь ва тушда ишланган безаклар, турли плакатлар, ҳажвий расмлар ва ҳаказолар киради.

Икона санъати қоидалари христиан дини билан унинг анъана ва қонуниятлари билан боғлиқ равишда кириб келган. Лекин бу санъатга албатта Византия тимсоллари ва Византия анъаналари манбаа бўлиб хизмат қилган.

Рассомнинг альбомдан ўрин олган асарлари унинг ижод йўли ва бадиий образлар олами, қизиқишлари, мавзулари билан яқиндан танишиш имконини беради. Улар воситасида биз туғма истеъдод соҳибасининг ижодий изланишлари ва санъаткор сифатида шаклланиш жараёнини кузатишимиз мумкин.

“Манзара жанрида барча рассомлар ижод қиладилар бироқ, манзарачи рассом сифатида эса ягона рассомгина бу йўналишни танлаши, фақат шу йўналишда ижод қилиши мумкин”.- деб айтган эди Ўзбекистон бадиий академияси раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур.

Бугунги кунда Н.Гилманова ҳам ўзининг манзара жанрида ижод қилиб келаётган истеъдодли рассомлардан биридир. Унинг бу йўналишда бетиним ижод қилиши ва йиллар давомида қилган меҳнатининг натижаси унинг асарларида ўз аксини топган.

Манзарачи рассомнинг ижодидаги тоғлар ва дарёлар, шаршаралар, тинч гуллаётган водийлар, мусаффо чашмалар, кузнинг сокин лавҳалари – бу рассомнинг севган мавзуларидир, ҳар бир асарда бошқача ранглар уйғунлиги, фасллар жозибаси ўз аксини топади.

Манзара – ўзига хос жанр. Уни узоқдан туриб англаш зарур, зеро шу йўл билангина бутун бир шаклни кўриш, руҳиятини ҳис қилиш мумкин. Рангтасвир ҳақида фикр юритувчилар: шундай тоғ ва дарёлар борки, улар орасидан ўтса бўлади, шундайлари борки, уларга кўз узмай тикилса бўлади. Яна шундайлари борки, у ерларда сайр қилса, унда яшаса бўлади дейишади. Айнан шундай асарни ҳақиқатдан ҳам нафис ва руҳиятимизни хушнуд қилади.

Рассомлар табиат қўйнига чиқиб асар яратишни хуш кўрадилар. Табиат ҳар бир ижодкор учун илҳом манбаи. Рассом бир масканда бир неча бора бўлса-да, унинг учун бу маскан ҳар доим ўзининг турли қирралари билан намоён бўлади. Рассом ўзининг янгидан-янги асарларини назаримизда бир нуқтадан яратаётгандек бўлса-да, уларнинг ҳеч қайсиси бир-бирига ўхшамайди ва ўзига яраша жозибалидир. Балки, бу табиатнинг нақадар ўзгарувчанлигининг исботидир. У доимо сукунатга тўла. Лекин, шунга

карамай тоғ ён–бағирлари сувнинг шивирлаши-ю, тоғлардаги акс-садо ўзига хос бир мусикани яратади. Тоғлар табиати ҳам ўзгарувчан балки, шуниси билан ҳам рассом учун қизикарлидир. Рангтасвирчи табиат кўйнида бўлганида хаёлидан ўтган руҳий ҳолатлар шиддатини ўз манзараларида: тоғлар, дарёлар ва булутлар образлари силсиласида ифодалайди.



Тасвирий санъатда кўплаб жанрлар бор. Ана шуларнинг ичида энг кўп меҳнат, умуман манзара жанрига бошқача бир муносабат талаб қиладиган бир жихати борки, у ҳам бўлса, рассомнинг табиатга бўлган муносабати. У ўз асарларига юраги, муҳаббатини бера олган рассомдир. Унинг асарларидаги сокинлик, табиатни энг илғаш қийин бўлган қирраларини сеза билиши яққол кўринади. Асарларни томоша қилган ҳар бир мухлис гўё табиатнинг у яратган гўшасида ўзини ҳис қилиши, табиатнинг бундай гўзаллигидан асарга қараб баҳра олиш мумкин. Асарларда табиатни ўз кўринишида эмас, балки яратаётган ҳар бир асарига ўз нуқтаи назари, дунёқараши орқали қалбини, меҳрини бериб ишлайди. Табиатнинг ҳар фаслидан, ҳар лаҳзасидан илҳом олади.

1.2. Илғор хорижий санъат таълим муассасаларининг тажрибаларини ўрганиш

Дунё бўйича хилма хил услубий ёндошувлар ҳам бепоён дир. Шунингдек Европалик рассомлар асарлари шунга мисол бўлаолади. Рангтасвир асарини ўқиш ва талқин қилиш бугунги кунда ёш авлодни маънавий жихатдан камол топтиришга қаратилган илғор йўналишлардан бири уларнинг онг ва салоҳиятини таркиб топтиришдан иборат эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Миллий ва маънавий қадриятларни қайта тиклаш борасида олиб борилаётган ишлар тасвирий санъат соҳаси вакиллари қалбида ҳам алоҳида ғайрат ва шижоат уйғотмоқда.



Шу ўринда бугунги кунда Ўзбекистон тасвирий санъати тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган Ўрол Тансиқбоев, Чингиз Ахмаров, Рахим Ахмаедов, Ғофир Қодиров, Жамол Усмонов, Шахноза Абдуллаева, Алишер Аликулов, Зебинисо Шарипова, Бобур Исмоилов, Татьяна Ли, Дилором Мамедова сингари кўплаб талантли ва ажойиб мўйқалам усталари номлари кўпчиликка маълум.

Мукаммал яратилган бадиий асар юксак ғоявий, мазмунли, халқчил, юксак бадиий маҳорат билан ҳаққоний яратилган санъатгина бизнинг ақл ҳамда ҳис-туйғуларимизга таъсир этади.



Ўзбек ва чет эл рассомларининг гўзал асарларини ким мароқ, билан томоша қилмаган, улардан завқ олмаган? Музей ва кўرғазмаларда атиги бир марта бўлган одам рассомларимиз томонидан яратилган гўзал асарларни томоша қилишдан баҳраманд бўлади албатта, кўнглига ўтирган асарларни яна бир бор кўриш мақсадида шошилади.

Ўтмиш ва ҳозирги замон тасвирий санъат асарларини томоша қилишни ҳаммамиз ҳам яхши кўрамыз. Бунинг жуда кўп сабаблари бор. Шу ўринда машҳўр рассомлардан бири шундай деганди: «Биз санъатни шунинг учун ҳам севамызмики, у инсонни ўраб

A Useful Thing, Peace! Siena and the Allegory of Good Government²

олган борлиқнинг гўзал томонларини очиб беради, инсонга куч-



кувват, севинч бахш этади, уни рухий, маънавий жиҳатдан бойитади, хаётини завқ-шавқга тўлдиради. Биз санъат асарларини шунинг учун ҳам кадрлаймизки, улар шоирона хис-туйғуларга бой бўлади, рассом ўз юрак хароратини, туйғуларини камёб, такрорланмас, оригинал, хаётий бўёқлар билан ифода этади».

Яқин ўтмишдаги реалистик санъат намояндалари ижодининг энг мухим хусусиятларидан бири шунда эдики, улар ўз асарларида халқ хаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган, халқда ўз кучига ишонч уйғотувчи мухим мавзуларни акс эттирарди.

Рассом Раҳим Ахмедовнинг «Тонг. Оналик» асаридаги қаҳрамоннинг юзига бир қаранг-а. У эрта тонгда хотиржам ўз чақалоғини эмизмоқда. Она юртимизга хос таниш манзара, енгил шабада эсмоқда. Тоғ этагидаги қишлоқ осмони мусаффо тиниқ, эндигина тонг оқариб қуёш чиқиши арафасида. Картинадаги оила хотиржам ҳаёт гўзал рангларда акс эттирилган. Она образи инсон ўзи яшаётган муҳитнинг тинчлиги қанчалик қадрли эканлигига ёрқин намуна бўла олади. Бу картина ҳар бир томошабин қалбида ўчмас из қолдиради албатта.

Раҳим Ахмедовнинг бу асарини томоша қилар эканмиз, биз тинч ҳаётда яшаётган одамларни кўрибгина қолмай, гўё уларнинг водий бўйлаб таралаётган қушлар ноласини ҳам эшитаётгандек бўламиз.

Рассомларнинг фақат турмуш эмас, шўнингдек табиат манзаралари тасвир этилган асарларидаги ҳаёт ҳақиқати кишини қаттиқ ҳаяжонга солади.

² Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World. -Munich. Berlin, London, New York. - 2003. - P.-40

Ўрал Тансиқбоевнинг “Тоғда” номли асари севимли ўлка табиатига чексиз меҳр-муҳаббат ҳисси билан суғорилган. Суратда баланд тоғ этакларидан гул тераётган болаларни, эрталабки куёшнинг заррин нурлари ёритиб турган чексиз водийни ўраб олган тоғлар понарамасини кўрар эканмиз, кўз ўнгимизда кишининг иродаси ва меҳнати билан боғу-бўстонга айланаётган Ўзбекистон ерларининг ёрқин манзараси гавдаланади ва ҳаётга бўлган интилишини оширади. Ўзбекистоннинг гўзал табиати Ў.Тансиқбоев ва ҳозирги пайтда ижод қилаётган замондош рассомларимиз ижодида марказий ўринни эгаллайди.

Бундай ажойиб табиат манзараларини кўрар эканмиз, рассомнинг куйидаги сўзларини эшитаётгандек бўламиз: «Одамлар, қаранг, биз яшаётган олам қандай гўзал, уни мен каби севинг, ана шу муқаддас севги билан уни ўзингизга асир этинг, бу боқий дунёда ундан бир умрга лаззатланинг, тинчликни қадрига етинг, буюк ишларга белингизни маҳкам боғлаб олға интилинг».

Рассомларимиз ватан ва жаҳон прогрессив санъатига суянган ҳолда ўзининг чуқур ғоявийлиги, шаклининг мўкамаллиги, халқ турмушига боғлиқлиги билан ажралиб турувчи санъат йўлида дадил қадам ташламоқдалар.

Тасвирий санъатни янада ривожлантириш учун ўзида илғор ғояларни мужассамлантирган меҳнатсевар кишиси рассомларнинг энг севимли ва асосий қаҳрамонларига айланган.

Натюрморт жанрида Рассом А.Икромжанов ўз ижодида мумтоз натюрморт, яъни нидерланд мактабининг машҳур вакиллари Питер Класс, Виллем Хеда бадий анъаналарига эргашишга, уларни ўзига хос тарзда ривожлантиришга интилади. Шу билан бирга, асарларига ўзбек халқ амалий санъати ва миллий қадриятларни олиб киришга, уларни юксак савияда тасвирлашга интилади. Унинг энг яхши асарлари Ўзбекистон тасвирий санъатининг натюрморт жанри тараққиётида ўзига хос ва мос ўринга эга.



Натюрморт жанри асарларида тасвирланаётган предметлар ҳаётий реализмга асослангандир. Уларни яратаётганда ижодкор ўз дунё - қарашинуктаи назаридан муносабатда бўлади. Натюрмортдаги шакл ва рангларда шоирона талқин кўзга ташланади. Натижада, гўзал ва бетакрор табиат неъматлари расмларда рассомнинг ижоди самарасига айланиб, барҳаётлик касб этади, томошабин кўзини кувонтиради, дилига эстетик завқ бағишлайди. Бу асарлардаги мукамал чизгилар, ёрқин, нафис ранглар ўзаро уйғунлиги узокдаги бетараф ёки қорамтир фон асосида алоҳида ажралиб туради.

Бу асарлардаги нур ва соянинг талқини, тасвири, уларнинг ўзаро уйғунлиги ҳам ижодкорнинг юксак маҳоратидан дарак беради.

Рассом Н.Гилманова эса “Мен ранг ва нур ҳамоҳанг бўлишини яхши кўраман”, - деб айтган эди. Ҳақиқатдан ҳам, “Лимонли натюрморт”, “Учта кўза”, “Бойчечаклар”, “Кўзги гулдаста”, “Ноклар”, “Мандаринли натюрморт”, “Олмалар ва хурмолар”, “Увайсий хотирасига” каби жуда кўплаб натюрморт



асарларида ранглар мутаносиблиги, ҳаёт давомийлиги, кузги барглар ҳаётнинг кузи эканлиги, таҳи бузилмаган оппоқ дастурхонлар оқ йўл эканлиги, кўйингки, нур борки, соя борлиги унинг натюрмортларида ўз аксини топган. Натюрмортларда жуда кўп конструктив шаклларга ранг бериб, мукамал асарга айлантирилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, “Увайсий хотирасига” деб номланган натюрмортда ранглар уйғунлигини, композицион тузилишнинг тўғрилигини, нур ва соянинг ўйноқилигини кўришимиз мумкин.

Рангтасвирнинг ўзига хослиги, шаклларни ифодалаш усуллари.

Тасвирий санъат асари адабий асардан шуниси билан фарқ қиладики, у фақат томоша қилиш орқали идрок қилинади, чунки сурат матонинг бир томонига ишланади, у бир қарашда, бир йўла идрок этилади.



Бир қарашда идрок этиладиган асарни яратишда рассомга катта ёрдам берадиган нарса асар композициясидир, яъни асар композицияси шундай қуриладики, унда алоҳида инсон қомати ва нарсалар бир-бирига боғланиб кетади. Натижада муаллиф фикри томошабинга яхши етиб боради. Тасвирий санъат асарларида калорит–нафис рангларнинг ўзига хос уйғунлашуви – ритм, нисбат, ранг – ҳаво перспективаси ва ҳоказолар ҳам катта аҳамиятга эга.

Миниатюра нафис тасвирий санъат бизнингча, нафис ишланганлиги, ўлчами кичиклиги билан фарқ қилади. Аммо унинг номи кичиклиги ва нафислигидан эмас, балки қадим замонда–қўл ёзма китоблардаги бош ҳарфлар бўяладиган қазил бўёқдан олинган.

Миниатюрада рассомларнинг тасвирлайдиган асосий объекти портрет ҳисобланган. Кейинчалик кўп қоматли, манзрели кўринишлари ҳам пайдо бўла бошлаган. Миниатюранинг ўзига хусусиятлари: инсон қоматларида соя йўқ, шакл беришда тусдан фойдаланилмайди. Инсон қоматлари, бинолар ва манзаралар икки ўлчамли бўлиб, чеккалари тўқ рангдаги нафис чизиқлар билан ишлов берилган³.

Тасвирий санъатнинг рангтасвир турлари ва услублари хилма хилдир. Ҳар бир ижодкорнинг ўз услуби мавжуд бўлиб рассомлар изланиш олиб бормоқдалар.

Рассомнинг альбомдан ўрин олган асарлари унинг ижод йўли ва бадиий образлар олами, қизиқишлари, мавзулари билан яқиндан танишиш имконини беради. Улар воситасида биз туғма истеъдод соҳибасининг ижодий изланишлари ва санъаткор сифатида шаклланиш жараёнини кузатишимиз мумкин.

“Манзара жанрида барча рассомлар ижод қиладилар бироқ, манзарачи рассом сифатида эса ягона рассомгина бу йўналишни танлаши, фақат шу йўналишда ижод қилиши мумкин”.- деб айтган эди Ўзбекистон бадиий академияси раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур.

Бугунги кунда Н.Гилманова ҳам ўзининг манзара жанрида ижод қилиб келаётган истеъдодли рассомлардан биридир. Унинг бу йўналишда бетиним ижод қилиши ва йиллар давомида қилган меҳнатининг натижаси унинг асарларида ўз аксини топган.

Манзарачи рассомнинг ижодидаги тоғлар ва дарёлар, шаршаралар, тинч гуллаётган водийлар, мусаффо чашмалар, кузнинг сокин лавҳалари – бу рассомнинг севган мавзуларидир, ҳар бир асарда бошқача ранглар уйғунлиги, фасллар жозибаси ўз аксини топади.

Манзара – ўзига хос жанр. Уни узоқдан туриб англаш зарур, зеро шу йўл билангина бутун бир шаклни кўриш, руҳиятини ҳис қилиш мумкин. Рангасвир ҳақида фикр юритувчилар: шундай тоғ ва дарёлар борки, улар орасидан ўтса бўлади, шундайлари борки, уларга кўз узмай тикилса бўлади. Яна шундайлари борки, у ерларда сайр қилса, унда яшаса бўлади дейишади. Айнан шундай асарни ҳақиқатдан ҳам нафис ва руҳиятимизни хушнуд қилади.

Рассомлар табиат кўйнига чиқиб асар яратишни хуш кўрадилар. Табиат ҳар бир ижодкор учун илҳом манбаи. Рассом бир масканда бир неча бора бўлса-да, унинг учун бу маскан ҳар доим ўзининг турли қирралари билан намоён бўлади. Рассом ўзининг янгидан-янги асарларини назаримизда бир нуқтадан яратаётгандек бўлса-да, уларнинг ҳеч қайсиси бир-бирига ўхшамайди ва ўзига яраша жозибалидир. Балки, бу табиатнинг нақадар ўзгарувчанлигининг исботидир. У доимо сукунатга тўла. Лекин, шунга карамай тоғ ён-бағирлари сувнинг шивирлаши-ю, тоғлардаги акс-садо ўзига хос бир мусиқани яратади. Тоғлар табиати ҳам ўзгарувчан балки, шуниси билан ҳам рассом учун қизиқарлидир. Рангасвирчи табиат кўйнида бўлганида ҳаёлидан ўтган руҳий ҳолатлар шиддатини ўз манзараларида: тоғлар, дарёлар ва булутлар образлари силсиласида ифодалайди.



Тасвирий санъатда кўплаб жанрлар бор. Ана шуларнинг ичида энг кўп меҳнат, умуман манзара жанрига бошқача бир муносабат талаб қиладиган бир жихати борки, у ҳам бўлса, рассомнинг табиатга бўлган муносабати. У ўз асарларига юраги, мухаббатини бера олган рассомдир. Унинг асарларидаги сокинлик, табиатни энг илғаш қийин бўлган қирраларини сеза билиши яққол кўринади. Асарларни томоша қилган ҳар бир мухлис гўё табиатнинг у яратган гўшасида ўзини ҳис қилиши, табиатнинг бундай гўзаллигидан асарга қараб баҳра олиш мумкин. Асарларда табиатни ўз кўринишида эмас, балки яратаётган ҳар бир асарига ўз нуқтаи назари, дунёқараши орқали қалбини,

меҳрини бериб ишлайди. Табиатнинг ҳар фаслидан, ҳар лаҳзасидан илҳом олади.

2.4. Рангтасвирнинг эстетик жиҳатлари ва бадиий ривожланиши.

Инсон ҳис туйғулари, кечинмалари, борлиқдан ташқарида бўлган нореал воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввур ва хаёлларини чизиклар, ранглар, ок кора буёқларда, ҳажмли ёки ҳажмсиз, рангли ёки рангсиз шаклларда бирор юза ёки маконда акс эттириш санъатига тасвирий санъат дейилади.⁴

- Тасвирий санъат асарлари танланган материаллар (ашёлар), тасвирлаш услубига биноан графика, рангтасвир, хайкалтарошлик турларига ажратилади. Бу санъатнинг ҳар уч тури ўз аро бир бири билан боғлиқ, лекин уларнинг ҳар бирининг ўзига хос томонлари, специфик хусусиятлари, тарихи бор.

Тасвирий санъат ривожланиши тарихи асрлар оша кўп босқични босиб ўтди. Ҳорлардаги расмлардан бошлаб засмонавий услублардан фотореализмагача бўлган катта босқич давомида ҳар хил жанрлар ва услублар шунга мисол бўлаолади. Айниқса Уйғониш даврига келиб тасвирий санъатда юксакликка эришилди. Европада таниқли рассомлар ижодини кузатсак уч ўлчамли тасвирлар вужудга келди. Рассомнинг яратган асарида образлар, атроф муҳитни акс эттириш даражаси, асарни томошабин оддий идрок қилишига асло қийинчилик туғдирмайди.



Mona Lisa (La Gioconda)

Ҳар хил рассомлар авлодининг портрет ва манзара жанридаги асарларини бир бири билан таққослаганимизда ҳам ҳар хил ёндошишини кўрамиз.

Маиший жанр давр воқеалигини тасвирлашда ўз имкониятининг чегараси кенглиги, ўзига хослиги бир жанр доирасида ҳар хил санъат кўринишларини мужассамлаштириш имкониятига эга бўлганлар. Бундан шуни такидлаш керакки “маиший рангтасвир” термини кенг доирадаги рангтасвир. Чунки шу жанрда бошқа жанрлар кўриниши ҳам катнашади.

⁴ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World. -Munich. Berlin, London, New York. - 2003. - P.-9



Фақат маиший жанрда замонавий асар яратиш билан чекланмай балки бошқа портрет, натюрморт, манзара, жанг, тарихий жанрларда ҳам бадий аҳамиятга эга бўлган асарлар яратилган. Портрет, натюрморт ёки манзара жанрлари имконияти бир қарашда чеклангандай бўлгани билан ҳар доим давр характери, вақт муҳитини кўриш чегараси чекланмаган. Рангтавирчининг яққа дастхати, усули, ташқи кўриниш услуби, воқеаликни тасвирлашдаги ҳар

хиллаги ўзига хосдир. Маиший жанр орқали замонавий мавзудаги воқеаликни икир чиқиргача тасвирлаш эмас, балки энг муҳим томонларини, инсонни руҳлантирувчи, келажакка чорловчи,

интилувчан руҳда тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тасвирий санъатда замон руҳини тасвирлашда рассом олдида ўзгача катта вазифалар туради. Рангтавир маиший жанри орқали инсонлар, воқеалар, даврнинг энг муҳим томонларини тўлақонли ва кенг ёри



The Allegory of Painting эга. Санъат тарихидан маълумки шу жанр орқали шу даврнинг маданияти, руҳи очиб берилган.

Жаҳон рангтавир санъатида Голандия XV11 аср Франция ва Россия X1X аср картиналари шундан гувоҳлик беради.

Назорат саволлари

1. Рангтавирда шакл ва қиёфалар чизма тасвирини бажариш қандай амалга оширилади.
2. Рангтавирда шакл ва қиёфалар композицияси деганда нимани тушунаси?
3. Рангтавирда шакл ва қиёфалар образи қандай яратилади.
4. Шакл ва қиёфалар яратиш учун тингловчилар нималар керак бўлади?

2-мавзу: Рангасвир асосларининг вазифаси. Рангасвир турлари ва воситалари (2 соат).

Режа:

2.1. Рангасвир асосларининг вазифаси, турлари ва воситалари.

Рангасвирда анъанавийлик ва оқимлар.

2.2. Рангасвирда мавзулар талқини. Шакл ва қиёфалар тасвирида бадийлик

2.1. Рангасвир асосларининг вазифаси, турлари ва воситалари. Рангасвирда анъанавийлик ва оқимлар.

Портрет – реал ҳаёт ёки вафот этган одам чехраси ёки гуруҳлар тасвири. Портретда ҳаёт ёки вафот этган инсон чехраси (шунинг билан бирга унинг характери) аниқ тасвирланади. Портрет жанрининг чегараси жуда кенг ва хилма - хил. Одатда портрет бошқа жанр элементлари билан ҳам тасвирланиши мумкин.



Манзара (табиат, денгиз тасвири) жанри.

Жанрлар ичида энг қадимийси пейзаждир, у табиатни акс эттирувчи тасвирий санъат асаридир. Қадимий Хитой санъатида рассомлар табиатни акс эттирувчи асарлар яратганлар. Европада пейзаж XVI—XVII асрларда таракқий этди.



XIX асрнинг иккинчи ярмидаги рус реалистик санъатида пейзаж жанри беқиёс ўсди. Пейзаж жанридаги новаторлардан бири А.К.Саврасовдир («Қора қарғалар учиб келишди»). Ф.А.Васильев («Илик ҳаво»), И.Левитан («Олтин куз»), Саврасов бошлаб берган ишни мустаҳкамладилар ва янги босқичга кўтардилар. *(5в - расм).*

Ўзбекистонда Ў.Тансиқбоев, Зиёев, А.Мирсоатов, М.Тошмуратов, Р.Худайбергеновлар ижодида кўриш мумкин. Рангасвир санъати, ҳайкалтарошлик ва графикада тарихий жанр асоси тарихий воқеалардир. У мустақил жанр сифатида Уйғониш даврида вужудга келиб, XIX аср рус санъатида кенг ривожланган.

Ўзбек рассомларидан Н.Кўзибоев, Р.Чориев, Ю.Елизаров, Жмакин, Зайниддин, М.Нуриддинов, А.Алиқулов тарихий жанрда ижод қилган.

Рус санъатида бу жанрнинг кўзга куринган намояндаларидан бири В.Суриков эди. У ватанпарварлик руҳи билан суғорилган катор ажойиб асарлар яратди. «Ўқчилар қатл этилган тонг» сурати шулар жумласидандир. Бу асарда рассом халқ оммасини, кучга, жасоратга тўла, жўшқин, исёнкор қалбли кишиларни тасвирлаган. Рассом асарда тарихий шахс Пётр I образини ҳам кўрсатди. Суриковнинг бошқа асарларида ҳам рус халқининг ўтмиши ва Ермак, Разин, Суворов каби тарихий шахслар ўзининг бадий ифодасини топган. Унинг «Бояр аёл Морозова», «Ермакнинг Сибирни забт этиши» асарларида халқ билан давлат ўртасидаги фожиали қарама-қаршиликлар акс эттирилган. Рассомнинг тарихий жанрда илгари сурган асосий мақсади халқнинг тарихий шахслар билан боғлиқлигини кўрсатиш эди. Бу ҳақда у шундай деган эди: «Мен тарихий шахсларни халқсиз, оммасиз тасаввур этолмайман, мен уларни албатта кўчага олиб чиқишим лозим».



Жанг манзараларини акс эттирувчи жанр ўз мавзуси жиҳатидан тарихий жанрга яқин туради. Бунинг сабаби шундаки, жанг манзараларини кўрсатувчи бу жанр фақат уруш воқеаларини акс эттирибгина қолмай, жанг билан бевосита боғлиқ бўлган тарихий воқеаларни ҳам кўрсатади. Шунинг учун ҳам уруш манзараларини акс эттирувчи жанр тарихий жанрнинг бир қисми деб қаралиши мумкин.

Рус солдатларининг ватанпарварлиги, фидокорлиги, мардлигини В.Суриков ўзининг «Суворовнинг Альпдан тоғидан ошиб ўтиши» суратида акс эттирган. Бу суратда рассом Суворовнинг ҳарбий санъатини катта маҳорат билан тасвирлаган.

Тарихий-ҳарбий жанр (жанг манзараларини кўрсатувчи жанр)нинг ривожланишига В.Верещагин катта ҳисса қўшди. У уруш ва унинг оқибатларини ҳаққоний равишда кўрсатиб берди. У босқинчилик урушларига қарши чикди. У урушларда бевосита қатнашган, рус солдатининг жасорати ва инсонпарварлигини ўз кўзи билан кўрган. Рассом урушга бўлган муносабатини «Туркистон уруши», «Ҳиндистон уруши», «Болқон уруши», «1812 йил» номли картиналар сериясида ифодалаган.

Жанг манзараларини кўрсатувчи жанрга собиқ советлар даврида Б.М.Греков асос солди. Унинг «Биринчи Отлиқлар Армиясиинг трубачилари», «Тачанка» каби суратлари ана шулар жумласидандир.



Тачанкаларнинг моҳирона тасвирланган шиддатли атакасида ғалабага бўлган ишонч ва ирода, Армия хужумининг пафоси ифодаланган. Рассом ўзининг бошқа асарларида Отликлар Армиясиининг тарихий жанглари ақс эттирган.

Маиший жанр.

Маиший жанр ҳақида гапирилар экан, рассом яшаётган давр воқеаларини ифодаловчи тасвирий санъатнинг бу жанри қадим замонларда пайдо бўлгани ва у сайёр рассомлар ижодидагина камол топганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ўтган асрнинг демократ рассомлари ўз асарларида халқ ҳаётини астойдил, ҳаққоний тасвирладилар.



Бунга ўзбек рассомларидан Р.Ахмедовнинг “Тонг. Бахтёр она”, П.Бенковнинг “Дугоналар”, М.Саидовнинг “Оила”, рус рассомларидан В.Перовнинг «Учовлон» ва бошқа суратлари характерли мисол бўла олади.

Ёшларнинг кундалик ҳаёти, меҳнати, ўқиши тасвирий санъат маиший жанрининг бир қатор асарларида ўз аксини топди. Маиший жанрга Б.Иогансоннинг «Рабфак келмоқда», Ф.Решетниковнинг «Каникулга келди» суратлари ва бошқа асарлар ҳам мансубдир.

Натюрморт жанри

Натюрморт (луғавий маъноси: жонсиз табиат) ҳақида гапирганда, одатда, мевалар, гуллар, отилган қушлар, ҳайвонлар, уй-рўзғор буюмларининг тасвирини кўзда тутадилар. Лекин натюрмортда «жонсиз табиат» тасвирланганига қарамай, матода жонли пафосини сезамиз.

Биз юқорида кўриб чиққан рангтасвир санъати асарлари рассомнинг улкан ва мураккаб ижодининг самарасидир.


Бу асарларда ҳеч қандай тасодиф йўқ. Асарларда ҳамма нарса ҳам муҳим роль ўйнайди: асардаги айрим элементларнинг матода жоилашуви ҳам, кичик расмлар ҳам, ранглар, ритмлар ҳам—рангтасвир санъатининг ҳамма ифода воситалари орқали рассом ўз ўй-фикрларини аниқ ва таъсирли қилиб етказишга қаратган.



Рассом яратган асарни чинакамига англаб, тушуниб олишни истар эканмиз, юқорида айтилган барча воситаларни эсдан чиқармаслигимиз, уларни бир-биридан фарқлай билишимиз лозим.

Асарга тикилиб, у ҳақда фикр юритиб, бутун бадиий воситаларни ўқиб олганимиздан кейингина биз сураат маъносини чуқур тушунишимиз ва уни ҳис этишимиз мумкин.

1260-1300 йилларида барча мойли рангтасвир асарлари оқ клей бўрли грунтга ишланган.



1509 йили 26 августда Дюрер ўзининг тайёр картинаси ҳақида ёзади: «Мен жуда катта интилиш билан ёздимки, худди кўриб турганимиздек ва у энг зўр бўёқлар билан ёзилган, қайсиларини мен топа олган бўлсам у аралаштирилган

(подмалёвка) ва яхши ультрамарин билан ёзилган ҳамма 5 ёки 6 марта ишланган. У тайёр бўлгач, мен уни яна икки марта ёздим, сабаб кўп йиллар сақлансин дедим».

Шимолий Европа rassom усталари учун рангларни бирин-кетин беркитиш системаси кийимларни чизиш ҳарактерлидир. Инкарнатни тадқиқ қилишдан маълум бўладики таналар бир қоплам билан ишланган. Иерони Босх (1450-1516) биографиясида Ван Мандер унинг асарни ёзиш усули ҳақида ёзади. «У ўзининг асарларини айрим ҳоллардагина бир кўришда ёзади ва шундай бўлсада унинг картиналари жуда чиройли ва бўёқлар ўзгармаган. Ҳудди катта усталар сингари, у ҳам грунтланган доскада чизикли расмни бемалол чизиб оладиган одати бор эди ва ундан ташқари танани енгил тон билан бириктирарди, айрим жойларини грунт ҳам беркинмай қолар эди». Масалан, унинг «Крестни кўтариш» картинасини тақдим қилишдан маълум бўладики, бўёқлар ҳақиқатдан ҳам бир мартагина берилган.

Ҳақиқатдан анъанавий кўп қопламли ёзиш усули «Италияликлар» томонидан «Фломанд манераси» деб аталган. Кейинроқ Италияда бу «Модерин манераси» ва охирида «Италия манераси» бўлиб кетган. Бу янги манеранинг (импасто) белгилари аввал Венесияликларда кўринди. Унинг бошланиши Джованнинг Беллини (1428-1516) да кўринди. Джорджона (1477-1510) ва Тисиан (1477-1576) ларни ижодида рангтасвирда янгилик киритишга тўғри келди. Ўзининг ижоди билан Джотто Италия санъатига ўзгариш қилгани каби ва бу ёзишнинг янги манераси тезда Италия усталари орасида кенг қўлланилди, сўнг Италия шаҳри rassomлари орқали четга давлатларга тарқалди бошлади. Европа рангтасвирини кейинги ривожланишини белгилаб берди.

Венесия мактаби ҳақида гапирганда шуни ёдда тутиш керакки, худди шу ерда XVI юз йилликда Тисиан кўл остида янги илгари маълум бўлмаган рангтасвир шаклини ранг билан яратиш услуби пайдо бўлди. Аввалги аввало аниқ чизиқли суратни чизиб олиш, сўнг ранг билан қоплаб бориш (масалан, Рафаэл шундай ишлаган) ўрнига Венесияликлар дарҳол мўйқаламни олиш ва ранг билан ишлайверишни бунинг оқибатида шакл пайдо қилишга интиладилар. Бунинг асосида эса ўз - ўзидан каттиқ ва ҳайкалдек (график) чизиқли ечими бўлмайди. Бунинг ўрнига кескинлик, тасодифий. Узлуксиз ранг ўзгариши ва динамика ёруғлик, ранг билан ифодалаш пайдо бўлди. Европа санъати тарихида рангтасвирни ўзини гўзаллиги, тасвирланаётган предметнинг абстрактлаштириш тасвирий ифоданинг янги ифодасига айланди. Кейинроқ XVIII асрнинг охирида «Живописност» (ранг-баранглик) «Рангли ёзув» ёки «Рангли ёзув манераси» вужудга келдики, у график чизиқли манера билан қарама - қарши турди. Италиян барокко рангтасвири жуда тўқ грунт асосида ишлаш, корпусли ишлаш, ёруғни белила билан тўқ соялар, чуқурликни янгироқ тўқ аралашма (лессировка) билан ишлашда пайдо бўлди. Рембранд Ренесанси пластик формасини, ёруғ - соя контрастлари асосидаги формага ўтказиб юборди.

Рубенснинг рангтасвир техникаси (1577-1640) бутунлай фаркли эмас. У Италия тонал уйғун ёзув принципини (Венесияча вариантда) фламанд «Ички ёруғлик» принципи билан моҳирона компромисликдаги уйғунлаштирганлигидадир. Грунтнинг ёруғи, ёритилмаганлигига асосланади. Рубенс ўз ёълидан бориб, холст юзасини нейтраллаштириш силликллаштиришга худди тахта юзасидек ҳаракат қилди.

«Сояларни енгил ёзиш керак» - деб ўргатади. Рубенс худди ўша жойга белила тушиб қолишидан сақланинг, ҳамма жойда ёруғ жойдан ташқари, белиланинг картинага тушиб қолиши зарардир, агар белила тоннинг олтин ялтироқ жойига тушиб қолса картинангиз иссиқ бўлишидан тўхтайтиди ва оғирлашиб кетади, рангсиз бўлиб қолади.

Рубенс томонидан ишлаб чиқарилган рангтасвир системаси тез ёзишга имкон беради, бу билан кўплаб рангтасвирчиларни ўзига тортади. Буше, Ватто, Фрагонар шу каби италян рассомлари ушбу ёъналишга дуч келдилар.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Европа рангтасвирчиларининг ижодига алоҳида баҳо беришга тўғъри келади. Булар Испан Гойя (1746-1828) ва Инглиз КонстАбель (1776-1837) бу икки устун манераси бўйича ҳам, шахсий ҳаёти билан ҳам темпераменти бўйича ҳам тарбия топган муҳитда ҳам нафақат эски рангтасвир қонунларини бузиб ташладилар, балки ёъналиш ҳам олиб кирдилар.

XIX асрларда эса рангтасвир яна ўзининг тоза ва ёркинлирангллар билан ишлаш орқали XV асрларда фломанд усталари томонидан биринчи бўлиб

эришилган, энди янги усуллари асосида тоза бўёқларни оптик мазоклар билан аралаштиришларни ўзаро ёнма - ён қўйиш эвазига эришилади.

Рангтасвирда бадиийни асарни ғоявий таҳлил қилиш. Рангтасвирда фикр ва ғоя ечими. Реставрация. Реставрациянинг турлари ва соҳалари. Компьютер хонаси, слайдлар, графика, фото альбомларда кўрсатилади ва таҳлил қилинади.

«Реставрация» – сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб, у «тикланиш» деган маънони билдиради. Реставрасия машхур маданият ёдгорлигининг ҳаётини қайтариб берибгина қолмай, шунингдек, турли мактаб усталарининг бадиий ва технологик усулларини тўла-тўқис ўрганиш, бу асар ким ва қачон, қаерда у ёки бу асарни яратилганлигини, унинг бузилиши сабабларини аниқлаб олишга имкон беради. Реставрасиянинг энг асосий вазифаси – санъат асарларини бузилишини тўхтатиш, асарни энг аввалги ҳолига қайтаришдан иборатдир.

Аввалги вақтларда картина, амалий санъат буюмига ёки биноларга ҳам худди буюм сингари муомалада бўлинган. Илгариги ҳолига қайтариш мумкин бўлсада, асар эгалари ёки биринчи реставраторлар ўзгаларига ҳеч қандай ҳисобот ҳам бермас эдилар. Ким, ўзларининг олдида маълум бир даврнинг тарихий, бадиий, бадиий ҳужжати тургани ва улар уни ўзгартириб юборишга ҳақлари ёъқ эканлиги ҳақида ҳисобот ҳам бермасдилар. Реставраторлар ўз хоҳишича, эркин асарнинг шаклини ўзгартирадилар, картинанинг ранг лок билан қоплаганлар.

Рангтасвирнинг энг юзасида бўлган локларни айрим холлардагина олиб ташлашардилар ва ниҳоят муаллифнинг тасвирини бутунлай очиб бера олмасдилар. Шунинг учун замонавий реставрасиянинг принципи-асар муаллифи ва унга алоқаси бўлмаган ҳолда саклаб қолишдан иборатдир.



Музейлар қошидаги реставрасион ташкилотлар, махсус лаборатория ва устахоналарда рассом реставраторлар билан ёнма-ён фанни турли соҳаларидаги мутахассислар: санъат тарихи, химия, биология, тилшунослик, археология бўйича ишлайдилар.

Санъат асари реставрасияси олдида узок муддатли тадқиқот сикли ўтайди. Мутахассислар диққат билан ёдгорликни сақланганлиги тарихи, унинг яратилганлигини кўриб чиқади, лаборатория вақт дақиқаси кузатишларини ўтказардилар.

Лаборатория грунт ва ранг қоришмасини таҳлил қилади, пигмент ва боғловчининг таркибини аниқлаб беради. Кўплаб ультра фиолетовий, инфрақизил нурлар, рентген нури орқали тадқиқотларда кўплаб қизиқарли фактлар оладилар, сўнгра реставрасион кенгаш якуний асарни тиклаш усуллари ҳақидаги хулосага келади. Ишнинг бориши синчковлик билан хужжатлаштириб борилади. Санъат асарларини меъморлик ёдгорликларини, монументал, рангтасвир, амалий санъат, графика ва темперани рангтасвир мойбўёқли ранг тасвир соҳаларида олиб борилади.

Реставраторларнинг фидокорона катта меҳнати билан санъат асарларининг ноёб ёдгорликлари сақлаб қолинади. Бу соҳада Ўзбекистондаги катта бойлигимиз ҳисобланган маданий ёдгорликлар ва амалий безакларни қайта тикланди ва ўз ҳолига қайтарилди.

Рангтасвирда бадиийни асарни ғоявий таҳлил қилиш. Рангтасвирда фикр ва ғоя ечими. Реставрация. Реставрациянинг турлари ва соҳалари. Компьютер хонаси, слайдлар, графика, фото альбомларда кўрсатилади ва таҳлил қилинади.

Дастгоҳли рангтасвирнинг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги В асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган Плений таъбирича: «ёруғ-сояларни ва оптик иллюзиянинг буюк усталари Зевксиз ва Паррасийлар кирган рангтасвир эшиги» ни очиб берган афиналик Апполодор фаолияти билан боғланади.

Қадимий муаллифларнинг айтишича, Апполодорнинг замондошлари «Скиаграф» «соялантирувчи» деб атаганлар, қайсики, фақат унда дастгоҳли картинанинг илк бошловчисини кўриш билан бирга, предметларнинг тасвирини ёруғ-соя моделировкасининг асосчиси сифатида тан оладилар.

Хусусан, энг қадимий рангасвир асарлари намуналари давримизнинг I – асрларга тааллуқли бўлиб, улар Мисрдан топилган қабрларга қўйиладиган портретлардир. Энкаустик техникада бажарилган бу портретлар ўша даврларда эллинистик рангасвир устамоллигини юқори чўққисида деб ҳукм чиқаришга олиб келди.

Кейинги Европа рангасвири ривожини христианликни тасдиқланишига боғлиқ. V-IV асрда антик дунёқараш ва Рим давлатинини инқирози арафасида ғолиб келади. Шу кундан эътиборан рангасвир ғоявий, бадиий системага кирган христиан черковлари ғоялари билан ёритилган.

Византияда VI асрда санъат ўчоқларидан бири пайдо бўладики у реал оламни христиан символикаси билан ёъғрилган образида идрок этишдан иборат бўлади.

Уйғониш даври санъати Италияда ҳамда Шимолий Европада биринчи навбатда Нидерландияда иконани энди картина асар сифатида тушуниш одам муносабатларини, одамни дунё билан бой алоқаси теварақдаги табиат предметлари муҳитни акс эттириш маъқул саналади.

Барча рассомлар ҳам ўз ижод усулига ва ишлатиш материалларига эга. Масалан, Ван Мандернинг айтишича, Ганс Голдейн (1497-98-1543) полотнога елимли бўёқлар билан ишлаган. Унинг иккита картинаси шундай усулда ишланган ва у асари Лондондаги пўлат саройнинг ганзайск уйи тантанавий залини безатиб туради. Улар ва улкан полотно ўн фигурали гуруҳ портрет интерерида Томас Морнинг натурал катталигида унинг хотин қизлари қариндошлари тасвирланган. Худди шу техникада Питер Брейгел (1525-1569) ва бошқа шимолий усталар ишлаганлар.

Рассомлар томонидан ишлатиладиган асослар ҳақида Бионда (1549) ёзади: «Агарки у (рассом) ёғоч ёки холстда ишласа, темпера ёки мой бўёқ билан ёхуд елимли бўёқми- бу ўзи метод ва рангасвирдаги рассомнинг усули хисобланади».

Рассомлар кўпинча ишчи рамка шнур орқали холстни тортиб олганлар, тайёр картинани эса рамкага миҳ билан маҳкамланган.

XVIII асрга келиб эса реставрасия техникасига оид янгилик киритилди, бу рангасвирнинг янги асосга кўчириб ўтказишдир. Бу соҳадаги хурматни Италия ва Франция эгаллади. Гарчи, биринчи кўчириш Италияда 1720 йилда олиб борилган бўлсада уни кенг ёйиш Франциянинг зиммасига тушди.

Бадиий Академия ишида XVIII асрда «Голланд» қоғоз кейинги хужжатларда Англия ва Франция қоғозлари билан ярослав қоғози баҳслаша бошлади. Қоғозларда фил суяги, велана, брестол, бўялган рангли ва грунтланган турлари мавжуд бўлди.

Қоғознинг ишлатилиши ҳақидаги маълумотлар рангасвирда XII аср бошига тааллуқлидир. Яъни Теофил даврида қоғозни ишлатишни тўлиқроқ маълумотлар Ченнинини трактатида ёзилади: қайсики унда кўмир билан

ишлаш ёъллари кўрғошин штифта ишланди. Перо ва акварелда ишлаш, рангли қоғозда ишлаш ёъллари ва қоғозни бўяш технологияси хақида гап кетади. Трактатнинг махсус бўлими қоғозга бўёқлар билан ишлаш ва қоғоздан миниатюрвий рангтасвирга қаратилган.

Мисрда топилган фаюм портретлари тахминимизга подмалёвка усулида ишланган темперали бўёқлар билан ҳозирча тўлиқ исботи тасдиқланмаган.

Маълумки, асарнинг муваффақияти қандай грунт беришга ҳам боғлиқдир. Сенга гўзаллигини бермоқчи бўлган ранг- деб ёзади Ленардо да Винчи – доим олдиндан оч грунт тайёрланади. Мен ялтироқ бўёқлар хақида гапирмоқчиман, ялтирамайдиган бўёқлар учун оч рангли грунт ҳам ёрдам бермайди.

Веронезе ўзининг катта полотноларини оч-кулранг кўк грунтда ёзган. Қизиқарлиси шундаки Джорджоненинг «Юдиф оқ грунтда» яна унинг «Ухлаётган Венера» си эса рангли грунтда ишланган. Тисианнинг Христос Динарием эса оқ грунтда ишланган бўлиб, у ҳам «Юдиф» ҳам ёғоч асосида бажарилган. Айрим рассомлар (Тисиан, Джорджоне, Тинжоретто) хатто қора имприматурада ишлаганлар.

Рубенени грунт бериши эски Нидерландияликларникига ўхшайди. Бўр ва хайвонот елими ва уни юза қисми сиккатив мойи билан қопланган.

Рембранднинг рангли кўрсатган грунтлари ҳам имприматурасини ўзгартирмайди.

2.2. Рангтасвирда мавзулар талқини. Шакл ва қиёфалар тасвирида бадийлик

Бу ном Мольберт «станогидан» олинган. Бундан ташқари, рангтасвир санъати асарлари ўз вазифасига қараб *дастгоҳли рангтасвир, маҳобатли рангтасвир, декоратив, театр безаги рангтасвири, кино безаги рангтасвири ва миниатюра* турларидан иборат.

Дастгоҳли рангтасвир дастгоҳда бўёқлар ёрдамида матога, левкасга мавзули композиция асосида яратилади. Унинг мавзуси ва мазмунини бадий фикрнинг улуғворлиги белгилайди; унда турли жанрларда бажарилиб муҳим воқеалар акс эттирилиб кўргазма ва музейлар учун мукамал қилиб ишланади. Шунингдек, ўткинчи тарихий мавзу ва халқ хаётидаги томошобинни руҳлантирадиган муҳим воқеалар тасвирланади.



Дастгоҳли рангтасвир санъати композициясининг аниқлиги, пухталиги, колоритининг умумлашмалиги, композициясини мукаммаллиги билан фарқланади.

Миниатюра рангтасвир санъати бизнингча нафис ишланганлиги, кичиклиги билан фарқ қилади. Аммо унинг номи кичиклиги ва нафислигидан эмас, балки, қадим замонда — кўлэзма китоблардаги бош ҳарфлар бўяладиган кизил бўёқдан олинган. Миниатюрочи рассомларнинг тасвирлайдиган асосий объекти портрет ҳисобланган.

Рассомлар ишлатадиган воситалар ва ашёлар жиҳатидан рангтасвир санъати техник жиҳатдан мой бўёқли рангтасвир санъатига (*бунда бўёқларни қовиштирадиган нарса турли мойлардир*) шунингдек темпера ва акрил бўёқ билан ҳам ишланади.

Бу ашёлар ишланаётганда тасвирланадиган киёфанинг ҳажмий шаклини, воқеани очиб бериш кўзда тутилади.

Жуда қадим замонларда, меҳнат жараёнининг тараққиёти натижасида тасвирий санъат пайдо бўлди. Меҳнат жараёнида инсон тафаккури камол топди, гўзаллик ҳисси ортди, воқелиқдаги гўзаллик, қулайлик ва фойдалилик тушунчалари кенгайди. Синфий жамият вужудга келиши билан эса ижтимоий тараққиётда катта ўзгаришлар содир бўлди; ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқа бошлади. Бу эса фан ва санъат ривожига муҳим аҳамият касб этди.

Профессионал санъат ва санъаткорлар шу даврда пайдо бўлди. Санъат эса ўзининг ўзига хос хусусиятини, синфийлигини намоён этиб, ҳукмрон синфнинг идеологиясини тарғиб этувчи кучли ғоявий қуролга айланди. Лекин шунга қарамай, омма орасидан етишиб чиққан истеъдодли ижодкорлар меҳнаткаш халқ оммасининг орзу-истакларини, уларнинг гўзаллик ва худбинлик, олийжаноблик ва инсонпарварлик ҳақидаги тушунчаларини ифода этувчи асарлар яратдилар. Халқнинг турмуши, мулк ва одатлари, ютуқ ва мағлубиятлари уларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Ҳар бир даврда мавжуд бўлган ана шундай санъат ҳаёт гўзалликларини тасвирлаб, одамларда юксак ҳислат ва фазилатларни камол топтирди, уларни тенглик, озодлик, биродарлик ёрқин келажакка интилишга даъват этди. Ҳақиқатдан ҳам инсоният яратиб қолдирган маданий қадриятлар оддий бойликлар бўлиб қолмай балки ўзида инсон ақл-заковати, ҳаёт тўғрисидаги фикр - ўйларини акс эттирувчи кўзгу ҳамдир.



хайкалтарошлик киради.

Рангтасвир тасвирий санъатнинг энг муҳим турларидан бўлиб, махсус **A Baker and His Wife**⁵

полотноларга, деворларга ишланади. Тасвирий ва амалий санъат асарларида ифодаланган мақсад ва мазмунни очиб беришда ранг муҳим ўрин эгаллайди. Тасвирий санъат турлари ҳар хил бўлиб рассомлар ўз ижодида турли жанр ва оқимларда асарлар яратиб келганлар. Жумладан:

Академизм - академик услубга оид бадиий йўналиш.

Автопортрет (грекча сўздан. *Outos* - ўзим) - рассом ўзини-ўзи тасвирлаган портрет. Бу ҳолда рассом ҳам, тасвирдаги шахс ҳам бир кишининг ўзидир.

Абстракционизм – мавҳум санъат асарларини ўз ичига олган бадиий йўналиш.



Авангардизм - XX асрда пайдо бўлган, янги шакл, услуб, усул ва бошқа тасвирий воситалар асосида ихтиро қилувчи, изланувчи (баъзида бу сўз билан янги бадиий йўналишларни ҳам аташади).

Натурализм - тасвирий санъат йўналишларидан бир бўлиб, тасвирловчи, тасвирланаётган нарсаларнинг биринчи галда ташқи кўриниши, сиртки суратини тасвирлаш

⁵ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-17

лозимлигини мақсад қилиб кўяди тўғридан тўғри шаклни кўчириб тасвирлайди.

Классицизм Аҳмонийлар давлатининг барҳам топишига сабаб бўлган Александр Македонский босқинчилик юришлари (эр.аввалги 334-326 йиллар) Марказий Осиё маданияти ва санъати тарихида янги давр эллинизм даври бошланишдан дарак беради. Эллинистик анъаналари Бактрия санъатида (Далварзинтепа, Халчаён, Кампиртепа, Эски термиз) яққол намоён бўлди.



Суғд ҳамда Хоразмнинг бадий маданиятида бир мунча камроқ ўз ифодасини топган. Антик дунё даврида меъморчилик, ҳайкалтарошлик, деворлардаги мажозий рангтасвир санъатининг энг кўп тарқалган ва характерли турлари бўлиб қолди.

Қадимги Ўзбекистон тасвирий санъатининг сюжет негизлари ягона бўлгани ҳолда улар турли минтакаларда турлича талқин қилинади. Хоразм санъати бетакрор бўлиб, ўзига хос композицион режаларга эга будда мавзуларига оид ишлар учрамайди.

Ўрта асрлар бошларида Ўзбекистон худудининг бир қисми Турк хонлиги таркибига кирган. Бу даврдаги бадий ҳунармандчилик асосан металлдан ясалган маиший буюмларда ўз аксини топган бўлиб, уларда



сосонийлар ва Узоқ Шарқ санъати анъаналари ўзига хос тарзда уйғунлашган. Ўрта асрлар бошидаги деворлардаги нақшлар тасвирнинг мураккаблиги, композициянинг бойлиги ва рангларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Суғдда қора пластика ва кандакорлик санъати анча тараққий этганди. Бир қатор ҳайкаллар турлари ишлаб чиқилиб, уларнинг бир қисми диний, бир қисми эса – эпик образлар билан боғланган.

Суғддаги жасадлар кули солинган ҳокдонлар ҳар хил қабарик тасвирлар туширилган тоштобут қора пластиканинг алоҳида турини намоён қилади.

Эрамининг VII-VIII асри бошида Ўзбекистон худудида тасвирий ва амалий санъатнинг ривожланишида ўз таъсирини кўрсатган ислом дини кенг тарқала бошлади. Марказий Осиёда шу муносабат билан антик ва Ўрта асрлар бошидаги меросга муносабат ўзгарди.

XI аср ўргаларига бориб санъатда нақшли - безакли негиз тўла устунлик килди. Деворлардаги нақшлар ва хайкалтарошлик амалда бархам топиб, бадий ҳунармандчилик биринчи ўринга чикди. Ўзбекистон аҳолисининг маиший турмушидан кенг ўрин олган, IX – XII асрларда Бухоро, Самарқанд ва бошқа бир қатор шаҳарларда қўлёзма ҳаттотлиги китобларни безаш санъати ва муқовачилик ғоят ривож топди. Қадимги қўлёзмаларнинг бадий безатилиши жимжимадор хуснихат билан нафис нақшларни ўзида бирдек мужассам этганди. Бу ерда Шарқ миниатюра рангтасвирининг ажойиб бадий мактаблари таркиб топди. Инсон қиёфасини ички психологик олами билан боғланган ҳолда аниқ бир образда яратилиши портрет санъати деб юритилади. Портретда инсоннинг тўла гавдаси, ярми ёки юз қиёфасининг фақат ўзи ҳам бўлиши мумкин. Портрет санъатини яратишда бебаҳо ютуқларни қўлга киритган буюк рассомлардан Камолиддин Беҳзод, Леонардо да Винчи, Рембранд, шунингдек, ўзбек рассомларидан Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Чингиз Аҳмаров ва бошқа бир қанча рассомларни мисол келтириш мумкин. Портрет яратиш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, инсоннинг анатомик тузилишидан тортиб ички рухий, маънавий, шунингдек, ташқи кўринишидаги барча жиҳатларини акс эттириши санъат даражасидаги асар бўлиши мумкин.

Анимал жанри - ҳайвонот дунёсини, жониворларни тасвирловчи тасвирий санъат тури.

Маиший жанри - жамият ва шахсий ҳаётдаги кундалик турмуш тарзини



ўзида акс эттирувчи тасвирий санъат жанри. Бу жанрда рассом (хайкалтарош) ўз замонасидаги кундалик турмушда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни, одамларнинг яшаш тарзи, дам олиши, меҳнати ва спорт билан шуғулланиши, хуллас уларнинг кундалик фаолияти бу жанрнинг мазмунини

ташкил этади.

Манзара жанри - Тасвирий санъатнинг лирик жанрларидан бири, унда



реал ёки хаёлий табиат кўринишлари орқали рассомнинг ҳис туйғулари, уй хаёллари, орзу истаклари ўз ифодасини топади. Бу жанрда инсон фаолияти билан ўзгариб бораётган табиат манзаралари, меъморий қурилмалар, тоғ манзаралари, денгиз тўлкинлари тасвирланади.

Баталь жанри (франц. bataille - жанг), жанг ва ҳарбий ҳаётга бағишланган мавзудаги тасвирий санъат жанри. Ўтмиш ва бугунги кунда бўлаётган жанг воқеалари (шунингдек денгиздаги жанг воқеалари), ҳарбий юришлар, жангчилар ҳаётидан олинган сюжетлар бу жанр мазмунини белгилайди. Бўлаётган жангнинг муҳим пайтлари, унинг моҳиятини, тарихий дамларини тасвирлашга интилиш бу жанрни тарихий жанрга яқинлаштиради ҳарбий жангчилар ҳаётига бағишланган асарлар эса маиший жанрга яқинлаштиради.


Натюрморт (франц. nature morte, итал. natura morta, улик табиат)



инсонни ўраб турган борлиқ — турли буюмлар, овда отилган қуш ва ҳайвонларнинг жонсиз таналари, ов, меҳнат ва жанг қуроллари, гул ва мевалар ва бошқа шунга ўхшаш буюмларларни ўзида акс эттирадиган тасвирий санъат жанри.

Декоратив санъат — уй-рузғор буюмларини бадиий жиҳатдан ишлаш, биноларнинг ташқи ва ички томонларини безаш.

Архитектура биноларидаги безак, нақшлар, декоратив скульптура, мозаика, витраж, турли материалларга ўйиб ишланган нақшлар декоратив санъатга киради.





Монуменгал (маҳобатли) рангтасвир - Меъморлик санъати билан боғлиқ булган рангтасвир асарларини монументал (маҳобатли) рангтасвир деб юритилади. Монументал рангтасвир меъморчилик мажмуида маълум микдорда безак вазифасини утайди, шунинг учун ҳам у монументал-декоратив рангтасвир деб ҳам юритилади. Монументал рангтасвир меъморчилик билан боғлиқ бўлиб, улар уйларнинг деворларини, шифтларини безашда қўлланилади. Катта ҳажмда узокдан кўришга мўлжалланганлиги учун булар яхлитлаштирилган ҳолда ишланади, ранглар ҳам шартли равишда олинади.

Деворий рангтасвир (роспис) Архитектурани безашда маҳобатли



рангтасвирнинг бир неча турлари мавжуд: яъни, альфреско (фреско, темперали расм), рим мозакаси, флоренция мозайкаси, сграффито, рангли сувокли инкрустация, рангли левкас, классик витраж, алюминий арматурали витраж, елимланган витраж, бетонла витраж, куйма витраж, мозайкали витраж, кундал, силикатли рангтасвир ва бошқалар ҳисобланади.

Мўъжаз санъат асарлари турли мамлакатларда шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида жуда ҳам қадим замондан тараққий этиб, қадимий қўлёмаларга ишланган. Чунончи, Алишер Навоийнинг "Хамса" асарларига ишланган расмлар бунга мисол бўла олади.

Дастгоҳли рангтасвир асарлари кенг тарқалган бўлиб, махсус матолар, картон, ёғоч, ромкага тортилган мато-холст ва шу кабиларга ишланади. Дастгоҳли рангтасвир мойбўёк, гуашь, сувбўёк, темпера бўёқларида махсус дастгоҳларга ўрнатилиб ишланади.

Графика - лотинча "графо" сўзидан олинган бўлиб, "ёзаман", "чизаман" деган маънони англатади. Тасвирий ва амалий санъатнинг бу турига оддий ва рангли қаламда кўмир, пастель, сангина, сувбўёқ, гуашь ва тушда ишланган безаклар, турли плакатлар, ҳажвий расмлар ва ҳаказолар киради.



Ҳайкалтарошлик - тасвирий санъат турларидан бири. У лотинча "скульпо" сўзидан олинб, каттик материалларга "қирқиш, кесиш, ўйиш, тарошлаш" орқали ишлов бериш

маъносини англатади.

Икона санъати қоидалари христиан дини билан унинг анъана ва қонуниятлари билан боғлиқ равишда кириб келган. Лекин бу санъатга албатта Византия тимсоллари ва Византия анъаналари манбаа бўлиб хизмат қилган.



Рассомнинг альбомдан ўрин олган асарлари унинг ижод йўли ва бадиий образлар олами, қизиқишлари, мавзулари билан яқиндан танишиш имконини беради. Улар воситасида биз туғма истеъдод соҳибасининг ижодий изланишлари ва санъаткор сифатида шаклланиш жараёнини кузатишимиз мумкин.

“Манзара жанрида барча рассомлар ижод қиладилар бироқ, манзарачи рассом сифатида эса ягона рассомгина бу йўналишни танлаши, фақат шу йўналишда ижод қилиши мумкин”.- деб айтган эди Ўзбекистон бадиий академияси раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур.

Бугунги кунда Н.Гилманова ҳам ўзининг манзара жанрида ижод қилиб келаётган истеъдодли рассомлардан биридир. Унинг бу йўналишда бетиним ижод қилиши ва йиллар давомида қилган меҳнатининг натижаси унинг асарларида ўз аксини топган.

Манзарачи рассомнинг ижодидаги тоғлар ва дарёлар, шаршаралар, тинч гуллаётган водийлар, мусаффо чашмалар, кузнинг сокин лавҳалари – бу рассомнинг севган мавзуларидир, ҳар бир асарда бошқача ранглар уйғунлиги, фасллар жозибаси ўз аксини топади.

Манзара – ўзига хос жанр. Уни узоқдан туриб англаш зарур, зеро шу йўл билангина бутун бир шаклни кўриш, руҳиятини ҳис қилиш мумкин. Рангтасвир ҳақида фикр юритувчилар: шундай тоғ ва дарёлар борки, улар орасидан ўтса бўлади, шундайлари борки, уларга кўз узмай тикилса бўлади. Яна шундайлари борки, у ерларда сайр қилса, унда яшаса бўлади дейишади. Айнан шундай асарни ҳақиқатдан ҳам нафис ва руҳиятимизни хушнуд қилади.

Рассомлар табиат кўйнига чиқиб асар яратишни хуш кўрадилар. Табиат ҳар бир ижодкор учун илҳом манбаи. Рассом бир масканда бир неча бора бўлса-да, унинг учун бу маскан ҳар доим ўзининг турли қирралари билан намоён бўлади. Рассом ўзининг янгидан-янги асарларини назаримизда бир нуқтадан яратаётгандек бўлса-да, уларнинг ҳеч қайсиси бир-бирига ўхшамайди ва ўзига яраша жозибалидир. Балки, бу табиатнинг нақадар ўзгарувчанлигининг исботидир. У доимо сукунатга тўла. Лекин, шунга қарамай тоғ ён-бағирлари сувнинг шивирлаши-ю, тоғлардаги акс-садо ўзига хос бир мусиқани яратади. Тоғлар табиати ҳам ўзгарувчан балки, шуниси билан ҳам рассом учун қизиқарлидир. Рангтасвирчи табиат кўйнида бўлганида ҳаёлидан ўтган руҳий ҳолатлар шиддатини ўз манзараларида: тоғлар, дарёлар ва булутлар образлари силсиласида ифодалайди.



Тасвирий санъатда кўплаб жанрлар бор. Ана шуларнинг ичида энг кўп меҳнат, умуман манзара жанрига бошқача бир муносабат талаб қиладиган бир жиҳати борки, у ҳам бўлса, рассомнинг табиатга бўлган муносабати. У ўз асарларига юраги, муҳаббатини бера олган рассомдир. Унинг асарларидаги сокинлик, табиатни энг илғаш қийин бўлган қирраларини сеза билиши яққол кўринади. Асарларни томоша қилган ҳар бир мухлис гўё табиатнинг у яратган гўшасида ўзини ҳис қилиши, табиатнинг бундай гўзаллигидан асарга қараб баҳра олиш мумкин. Асарларда табиатни ўз кўринишида эмас, балки яратаётган ҳар бир асарига ўз нуқтаи назари, дунёқараши орқали қалбини, меҳрини бериб ишлайди. Табиатнинг ҳар фаслидан, ҳар лаҳзасидан илҳом олади.

Назорат саволлари;

1. Тасвирий ва амалий санъат асарларида ифодаланган мақсад ва мазмунни очиб беришда нима катта аҳамият касб этади?
2. Тасвирий санъат асарлари танланган материаллар (ашёлар), тасвирлаш услубига биноан нималар қиради?
3. Тасвирий санъатда замонавийлик тушунчаси деганда нимани тушунаси?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Paintings: that Changed the World. -Munich. Berlin, London, New York .- 2003.
2. Н.Гилманова. Католог-2014. 6-10

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Рангасвирда академик мактаб услублари. Рангасвир композициясида қоида ва қонунларнинг аҳамияти (4 соат).

Ишдан мақсад: Буюк рассомларнинг ажойиб асарларини бадиий қимматини юқотмаган ҳолда амалий яратиш. Тингловчилар беоилган топшириқ асосида эскиз чизишади.

Мақсаднинг қўйилиши: Суратларда гўзалликни, жозибани ҳис этиб ишлаш механизмларига эришиш.

Бунинг асосий сабаби томошабиннинг суратларни қандай томоша қилиш кўникмаси ва тасвирий санъат қонун-қоидалари билан қуролланмаганидир. Бундай томошабин фикрини бир ерга тўплаб бадиий



асарни астойдил томоша қилмайди, уни юракдан ҳис этишга уринмайди. Бундай томошабин асарнинг асосий мағзини илғаб ололмайди; бинобарин, асар унда ҳақиқий эстетик завқ уйғотмайди ҳам.

Буюк тафаккулардан бири бу ҳақда шундай деган эди. «Агар сен санъатдан лаззатланмоқчи бўлсанг, бадиий дидинг, маълумотинг юксак бўлмоғи керак».

Бадиий дид, маълумотни бирор китобни ўқиб чиқиб ёки «Нафис санъат асарларини қандай томоша қилиш керак» деган қисқача суҳбатни тинглаш билан эгаллаб бўлмайди, албатта.

Эстетик тарбия кўникма ва умумий таълим-тарбиялар системасидан иборат. Суратни томоша қила билиш—ҳаётимиздаги, табиатдаги гўзалликни тушуниш, ҳис этиш ва тўғри баҳолай олиш демакдир.



Реалистик санъат ҳаммага ҳам тушунарлидир, аммо ҳар бир санъатнинг ўзига хос хусусиятини тушунган одамга янада тушунарлироқдир. Картинани диққат-эътибор билан яхшилаб томоша қилиш, унинг устида фикр юритиш, юракдан ҳис этиш керак. Ана шундагина у бизни ҳам ақлий, ҳам маънавий жиҳатдан бойитади.

Тасвирий санъат турларининг ҳар бирига хос хусусиятларини билиш, бадиий асарни тушуниш,

тасвирий санъат асарларини «уқиш» суратни томоша қила билиш усулини эгаллашнинг бошланғич босқичидир.

Тасвирий санъат тушунчасига рангтасвир (*дастгоҳли рангтасвир, маҳобатли рангтасвир, театр безаги рангтасвири, кино безаги рангтасвири*), графика (*китоб графикаси, дастгоҳли графика, миниатюра*), ҳайкалтарошлик (*дастгоҳли ҳайкалтарошлик, монументал ҳайкалтарошлик, майда пластика*), амалий санъат (*наққошлик, ганчкорлик, каштачилик, зардўзчилик, гиламчилик, мисгарчилик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқалар*) киради.



Бу юқорида санаб ўтилган тасвирий ва амалий санъат турларининг ҳар бири ижодкор танлаган воқеликни ўзига хос воситаларда, ўзига хос бадиий тилда тасвирлайди ва ўзига хос услубда амалга оширади. Бу санъат турлари ичида энг кенг тарқалгани рангтасвир санъатидир.

Иккиўлчамлилик. Учўлчамлилик. Ҳажм. Шакл.

Ҳар қандай шакл ҳажми уч ўлчамда аниқланади; узунлиги, эни ва баландлиги билан. Унинг ҳажми деганда юза чегараларининг уч ўлчамлиги тушунилади. Шакл бу ташқи кўриниш, шаклнинг ташқи чизиқлари.



Тасвирий санъат шакл ҳажми билан иш олиб боради. Масалан, кубни тасвирлашда фақат унинг кўринган томонидан ташқари, кўзга кўринмаган томонларини ҳам ҳисобга олмасдан тасвирлаш мумкин эмас. Кубни тўла идрок қилмасдан уни қуриш ҳам, тасвирлаш ҳам қийин. Шаклни тўғри тасаввур қилмай уни тасвирлаш бир томонлама бўлиб қолади. Чизматасвир ишлашдан олдин шаклни тўла тушуниш учун натурани ҳамма томонидан айланиб кузатиш зарур. Бошни фас (олд) томонидан ишлаш учун уни албатта профил томонидан ҳам кузатиш лозим. Бош бироз (3/4) бурилган ҳолатида қулоқни ишлашда унинг кўринмаган иккинчи қулоғини ҳам тасаввур қимоқ керак. Бурун тўсган кўзни ишлашда уни тўла тасаввур қилиш, фақат штрих чизиқча билан белгилаб чегараланмаслик керак. Тасвирчига натурани ҳамма нуқтадан кузатиб ва фақат битта нуқтадан чизишни тавсия этилади.

2- амалий машғулот: Академик рангтасвирда натурадан ишлашнинг аҳамияти ва талаблари. Академик рангтасвирда пленернинг ўрни (4 соат).

Ишдан мақсад: Шакл констукцияси ёки қурилиши асосида мураккаб шакллар яратиш.

Мақсаднинг қўйилиши: Рассом атрофидаги шаклларни нурсоя, тасодифий ҳолатини қонунга мувофиқ тузилишини топиш.



Бу қобилият натурадан ишлаш жараёнида аста-секин ривожлантирилади. Шаклларни ўрганишда тузилиши мураккаброқ натурани тасвирлаш рассомни чизматасвирга онгли равишда ёндошишини талаб қилади. Айниқса инсон қомати қурилиши қизиқарли. Уни тўғри тасвирлашда пластик анатомия билими катта ёрдам беради.

3 – амалий машғулот: Академик рангтасвирда маҳоратни ошириш методлари. Ижодий ишларни ўзаро презентация қилиш (4 соат).

Ишдан мақсад: Бадиий рангтасвир колоритини бойитиш йўллари табиатни кузатиш ва ҳақиқий халқ санъатларини ўрганиб расмлар яратиш.

Мақсаднинг қўйилиши:

Амалий - безак санъати рассомлари санъат асарларидан фойдаланиб капалак ва бошқа табиат шаклларига мурожаат қилиш усулларини ўрганиш.

Биламизки тўтилар, капалаклар ва бошқаларнинг ёрқин рангларини дидсиз, пала-партиш деб бўлмайди, балки аксинча.



Аммо баъзи рассомлар ўз асарларида колорит кетидан қувиб дидсизликка учрайдилар. Табиатда тош, дарахт, кўкат, гуллардаги ранглар уйғунлиги, тус нисбатлари ҳосил қилган колорит бизга сабоқ бўлиши мумкин. Халқ санъати ўрганиб бўлинган, янгилик учун асос бўлаолмайди

дейдиганлар бўлиши мумкин. Аммо кўпдан маълумки “Бутунлай унутилган эскилик – бу янгиликдир” дейдилар халқимиз. Кўп ҳолда эскиликка янгича қараш ва янгича ҳис қилиниши мумкин.



Ҳақиқий колорист – рассом учун атроф-муҳитни, ҳаётни кузатабилиши| муҳим касб этади. Кузатилган ҳодисаларни ва нарсаларни эслаб қолиш зарур.

Рассом ҳар доим, ҳамма жойда кузатишни ўз онгига сингдириши керак. Одамлар гуруҳида ритм ва чизиклар, ранг доғлари, кийимлар уйғунлиги эрдан чиқмайдиган кучга эгадир. Бола кўтарган аёл, унинг кийимларида уйғун ранг тузилиши ўзгача гўзалликка эга бўлиши мумкин.

Табиатнинг бадиий ижоди чексиз бўлиб ҳар қандай рассом учун ҳақиқий илҳом берувчи, колоритини бойитувчи, ранг-барангликка, доимий янгиликка руҳлантирувчи ҳисобланади.

Санъат ҳаётга тақлид қилибгина қолмай, балки шоирона акс эттиради, ундан завқланади. Бу рассом олдида чексиз изланиш, янги воситалар топиш каби буюк вазифалар туради, шунингдек шаблонлардан қочишга ундайди.

Колоритни ўрганиш, излаш, янги томонларини очиш, ихтиро қилиш картинада мавзунини қалбдан акс эттириш учун ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳақиқий колорист-рассом бўлиш, бу “рангдорлик” учун ишлаш дегани эмас. Агар рассом талантини катта маънони, мавзунини, гўзалликни очиб берувчи асар учун хизмат қилса рангтасвирчилик, рангдорлик ўз-ўзидан йўқолмайди. Баъзида “ранглар чиройли” дейилганда, бу рассом учун унчалик мақтов эмас. Балки картинанинг маъноси, ғояси эътиборга лойиқ бўлмай, рассом ўз олдига қўйган ижодий мақсадига эриша олмаган ёки у бутунлай бўлмаган.

Буюк рассом ўз ижодида колоритдан картина ғоясини; рангтасвир, мавзу, чизматасвир, нурсоя, ранг, шакллар пластик уйғунлигини бир - биридан ажратмайди.



V. КЎЧМА МАШҒУЛОТ

V. КЎЧМА МАШҒУЛОТ

1-кўчма машғулот: Академик рангтасвирда натурадан ишлашнинг аҳамияти ва талаблари. Академик рангтасвирда пленернинг ўрни (2 соат).

Тингловчилар Тошкент шаҳрида жойлашган рассомлар устахоналаридан бирига ёки кўрғазмаларга ташриф буюрадилар. Олдиндан келишилган рассом фаолияти тўғрисида суҳбатлашиши каторида ижодининг ўзига хос томонлари, устозлари, шогирдлари тўғрисида маълумотга эга бўлиб, ўзининг кундалик бажарадиган амалий фаолиятини намойиш этиб беради. Шу билан бир қаторда тингловчилар ижодкорнинг ишлари ёки мастер-классларини, ижодий асарларини томоша қилиб, танишиб, ўз фикрларини жамлаб асарларида баён этишлари учун шароит яратилади.

Бадиий рангтасвир санъати – тасвирий санъатнинг бир туридир. Унда реал ҳаётдаги нарса ва ҳодисалар мато, қоғоз, фанера, девор ва бошқа нарсаларда бўёқлар билан тасвирлаган мукамал бадиий асар ҳисобланади.

Рангтасвир санъати жуда қадимдан мавжуд. Бу санъат ибтидоий одамлар яшаш учун курашда тош қуроллар ишлата бошлаган пайтларда пайдо бўлган.

Ибтидоий одам тошда ранг-баранг бўёқлар билан хайвонларнинг, ўсимликларнинг характерли белгиларини акс эттиришга интилган.

Рассом бўёқлар ва махсус усуллар ёрдамида жисмнинг қандайлигини, маконли ҳажми тасвирини яратади.

Рангтасвир санъати асосан бешта асосий элементдан иборатдир. Бу элементлар буюм шаклини, рангини, ёритилишини, ясалган материални, тасвирланаётган нарсанинг қандай шароит ва муҳитда эканини тасвирлашда намоён бўлади.

Рангтасвир санъатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда рассом мавжуд воситалар ёрдамида нарса шаклини ва перспективасини, ранги ва материални, психологик ҳолати, анатомик тузилишини ва ҳоказоларни тасвирлайди.

Рассом ўзи яратаётган бадиий образида ҳаёт қонунларини, унга ўз муносабатини ифодалашга интилади.

Тасвирий санъат асари адабий асардан шуниси билан фарқ қиладики, у фақат томоша қилиш орқали идрок қилинади, чунки сурат матонинг бир томонига ишланади, у бир қарашда, бир йўла идрок этилади.

Бир қарашда идрок этиладиган асарни яратишда рассомга катта ёрдам берадиган нарса асар композициясидир, яъни асар композицияси шундай қуриладики, унда алоҳида инсон қомати ва нарсалар бир-бирига боғланиб

кетади. Натижада муаллиф фикри томошабинга яхши етиб боради. Тасвирий санъат асарларида калорит–нафис рангларнинг ўзига хос уйғунлашуви – ритм, нисбат, ранг – ҳаво перспективаси ва ҳоказолар ҳам катта аҳамиятга эга.

Миниатюра нафис тасвирий санъат бизнингча, нафис ишланганлиги, ўлчами кичиклиги билан фарқ қилади. Аммо унинг номи кичиклиги ва нафислигидан эмас, балки қадим замонда–қўл ёзма китоблардаги бош ҳарфлар бўяладиган қазил бўёқдан олинган.

Миниатюрада рассомларнинг тасвирлайдиган асосий объекти портрет ҳисобланган. Кейинчалик кўп қоматли, манзрели кўринишлари ҳам пайдо бўла бошлаган. Миниатюранинг ўзига хусусиятлари: инсон қоматларида соя йўқ, шакл беришда тусдан фойдаланилмайди. Инсон қоматлари, бинолар ва манзаралар икки ўлчамли бўлиб, чеккалари тўқ рангдаги нафис чизиқлар билан ишлов берилган.

2-кўчма машғулот: Академик рангтасвирда маҳоратни ошириш методлари. Ижодий ишларни ўзаро презентация қилиш (2 соат).

Тингловчилар Тошкент шаҳрида жойлашган рассомлар устахоналаридан бирига ёки бадий кўргазма залларига ташриф буюрадилар. Олдиндан келишилган рассом фаолияти билан танишиб, у тўғрисида суҳбатлашиши каторида ижодининг ўзига хос томонлари, рангтасвир асарларининг композициясини, колоритини, мавзунини талқин этишини кузатадилар. Тегишли мавзуда савол-жавоб, фикр алмашув асосида уларнинг маҳоратини синчиклаб ўрганадилар. Шу билан бир қаторда тингловчилар ижодкорнинг ишлари ёки маҳорат дарсларини кузатиб, асар яратиш сирлари ва композицияси билан танишиб, ўз фикрларини баён этишлари учун шароит яратилади.

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

IV. КЕЙСЛАР БАНКИ

Аклий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: аклий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Аклий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

Тўғридан-тўғри жамоали аклий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий аклий ҳужум – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Намуна: Гуруҳга муаммоли вазият берилади, мисол учун оркестрни ташкил этувчи коллективдаги психологик вазият ёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали аклий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яъни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлган фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.



«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда

очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари

2. Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни (кичик ва индивидуал гуруҳларда аниқлаш)

2. “Монна-Лиза” портретини ишлашда қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини очиб беришда рассомнинг маҳоратини аниқланг.

Кейс. Леонардо да Винчи “Монна Лиза” картинасини чизаётганда асар қахрамонининг ички дунёсини очиб бермаганида асар картина даражасига кўтарилармиди?

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустакил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тарихий ёки маиший мавзудаги кўпқоматли композиция асарининг ғояси”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш

мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки катнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:



Белгилар	1- матн	2- матн	3- матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки катнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Мотив	(французча сўздан motif- сабаб, сюжет): 2) Натура объекти, рассом томонидан тасвирлаш учун мўлжалланган объект ёки баъзи холларда манзара бўлиши мумкин;	Амалий – безак санъатда – асосий элемент орнамент композицияси кўп такрорли бўлиши мумкин.
Муносабат, нисбат.	(отношения) – асар яратишда фойдаланилган натура элементларининг ўзаро боғлиқлиги. Масалан: рангтасвирда тус ва ранг муносабати, ҳар хил ёрқинлик нисбати. Чизматасвирда ўлчам ва шакл нисбатлари. Санъатда таққослаш усули билан аниқланади	Тус ва ранг муносабаталари контраст, ўткир ва енгил нюансли бўлиши мумкин.
Наброска	тез ишланган хомаки чизматасвир. Наброскада шакл тасвири умумлаштирилган бўлиб умумий тасаввур беради.	Наброска алоҳида аҳамиятга эга бўлиб картина учун бажарилиши мумкин.
Оригинал	(лотинча сўздан originalis – биринчи бор, асли, асл нусхаси) Тасвирий санъатда рассом томонидан ижодий яратилган санъат асари;	нусхаси олинган ҳар қандай тасвирий санъат асари.
Панно	(французча сўздан panneau-рамкага солинган тахта, доска) – Безакли ҳайкалтарошлик ёки рангтасвир асари; Бинога ёки бирон жойга мўлжалланган бўлиши мумкин.	Панно байрам кунлари шаҳар кўчаларини безаш учун вақтинчалик жойлаштирилади.
Пластика	(грекча сўздан plastika- ваяние) – 1) рангтасвирда, чизматасвирда ва ҳайкалтарошликда буюмни шакллантириш, тасвири ҳосил	Ҳайкалтарошликда, графикада ва тасвирий санъатда шаклнинг аниқликка,

	қилиш; 2) ифодали рангасвир ишлаш йўли, мўйқалам билан ишлашдаги енгиллик, моҳирлик.	ифодаликка эришиш.
--	--	--------------------

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу ёки бирор бир картина юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар такқосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

VII. ГЛОССАРИЙ

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Автопортрет	(грекча сўздан. Outos-ўзим) - рассом ўзини-ўзи тасвирлаган портрет. Бу ҳолда рассом ҳам, тасвирдаги шахс ҳам бир кишининг ўзидир.	(The Greek word. I Outos-) - portrait painter, a self-described. In this case, the artist, the person is also a person.
Акцент	(лотинча сўздан. Accentus-урғу) – Тасвирий санъатда ранг, тус, чизик ёки буюм, шаклнинг, чехрани тасвирий санъатда ранг, тус, чизиклар ёрдамида урғу беришдир.	(A Latin word. Accentus-emphasis) - fine arts, color, scale, line or unit, the face in the form of fine art in color, scale, and stressed that the strips.
Алла прима	(италиян сўзидан Alla prima - бир йўла, бир ишлашда)–нафис тасвирий санъатда ишлатиладиган усул. Картина (асар) олдиндан кўшимча тайёргарликсиз, яъни бир сеансда тугалланган.	(The Italian word Alla Prima - at the same time is a) the method used -nafis fine art. Painting (work) without additional preparation, which is completed in one session
Анфас	фас, олддан кўриниши, юз кўриниши	FAS excreted appearance, facial appearance
Абрис	чегара чизик	boundary line
Абстракционизм	мавҳум санъат асарларини ўз ичига олган бадий йўналиш.	abstract art, including works of art direction.
Авангардизм	XX асрда пайдо бўлган, янги шакл, услуб, усул ва бошқа тасвирий воситалар асосида ихтиро қилувчи, изланувчи (баъзида бу сўз билан янги бадий йўналишларни ҳам аташади).	he twentieth century, new forms and styles, methods, and other visual means of the invention, the researchers (sometimes called the new artistic directions).
Автолитография	рассом ўз асарини тошбосма усулида ишлагани.	painter, his work lithographic method.
Академизм	академик услубга оид бадий йўналиш	academic style art direction

Акварель	(французча сўздан aquarelle, лотинча aqua- сув) – сувда тез эрийдиган ва ювиладиган майин ва шаффоф бўёк. Акварель тасвири ниҳоятда рангли, нафис ва нозик. Оқ бўёк сифатида кўпинча қоғоз замини сақланади.	(The French word Aquarelle, Latin aqua- water) soluble in water and detergent, soft and translucent paint. Watercolor image was colorful, elegant and delicate. White paint is often stored in the floor of the paper.
Анимал жанр	хайвонот дунёсини, жониворларни тасвирловчи тасвирий санъат тури.	wildlife art depicting animals.
Ансамбль	биноларнинг бадиий шакл ва услуб жиҳатидан бир-бирига уйғун кўриниши: бир усулда тикилган кийим-кечак, бадиий услуб жиҳатидан бир-бирига ўхшаш мебель ва ҳоказолар.	artistic harmony with one another in terms of shape and style of the buildings look: clothing sewn in a way, similar to one another in terms of style furniture and so on.
Антик санъат	қадимги деган маънони билдиради. Тараққий этган қадимги Юнон, Рим санъати назарда тутилган.	the oldest means. Developed in ancient Greek, Roman art world.
Блик	(немис сўзидан Blik – қараш. боқиш)- ёруғ-соя элементи. Ёритилган буюмнинг энг ялтироқ жойи, айниқса ялтироқ жисмда. Ёритилган қисмдаги умумий тусга нисбатан энг ёруғ, ялтироқ, ёриқроқ қисмидир.	(German Blik look. Support) - the element of light-shade. Illuminated shiny surface of a workpiece, especially shiny objects. Reflected the general nature of the bright, shiny surface area.
Бадиий	борлиқни, инсонни, унинг ҳаётидаги воқеаларни, кечинмаларини ўзаро ўхшатиш, шакллантириш ва ранго-ранг тасвирлаш.	things, the man, his life experiences, feelings of mutual emulation, the formation and multicolor imaging.

Бадий усулб	санъатда қўлланиладиган усул.	The method used in the art.
Биенале	икки йилда бир марта бўладиган кўргазма	once in two exhibition
Бюст	одамнинг кўкрагигача тасвирланган хайкали	a statue of the man described in the chest
Ватман	рассомчилик ва чизмачиликда ишлатиладиган қалин, олий нав қоғоз.	Arts and chizmachilikda used thick, high-grade paper.
Вариант	(лотин сўзидан-ўзгарувчан) – санъат асарининг муаллиф томонидан такрорланиши. Шунингдек композиция, картина ранг ечимига, қомат харакатига, қўл харакатига ўзгариш киритиш. Сюжетли композицияда маъно(тема)ни сақлаган ҳолда тасвирларни ўзгарган ҳолати	(Latin so'zidan- changing) - reproduced art work by the author. As well as the composition, the picture colors, body movement, and changes in the movement of the hand. The meaning of the bewitching composition (material), keeping images of change position
Галерея	тасвирий ва амалий санъат асарлари сақланадиган ва кўргазмалар ўтказиладиган махсус бино. Маълум асарлар туркуми ҳам тушунилади. Масалан, портрет галереяси.	storage of works of fine and applied art and special exhibitions are held in the building. Understood as a series of works. For example, the portrait gallery.
Гобелен	суратли гилам	carpet pictures
Грунт	замин, тасвир заминини (холст) тайёрлаш.	on the ground, to prepare the ground for the image Canvas.
Гармония	(грекча сўз бўлиб, harmonia – хушбичим, умумийлик, қисмлари (бўлаклари) келишган) – Тасвирий санъатда тасвирланаётган буюм	(The Greek word harmonia - looking, in common parts (pieces) come) -Tasviriy common shape or color of the item described in the art, elegance.

	шакли ёки рангнинг ўзаро умумийлиги, хушбичимлиги.	
Графика	(грекча сўздан олинган бўлиб, graphikos – чизикли, чизилган) – тасвирий санъатнинг бир тури. Рангтасвирга нисбатан кам ранг ишлатилиб, асосан оқ ва қора контраст ранглар, чизик ва штрихлар характерлидир..	(Derived from the Greek word, graphikos line drawing) - a type of fine art. Rangtasvirga less color is used mainly in black and white contrast color, line and bar characteristic. Chizmatasvir graphics, engraving, lithography, such as the printed image.
Гризайль	(французча – gris - кулранг) – бир хил рангда мўйкалам ёрдамида бажарилган тасвирий асар. Оқ ва қора рангда туси билан фарқ қиладиган усулда ишланган тури.	(French gris -kulrang) - works of art using the brush in a different color. White and black colors with different methods.
Деталлаштириш	(детализация) – тасвирий санъатда детал (қисм)ларини алохида пухта ишлаш. Деталлаштириш расом усулига қараб ҳар хил даражада бўлиши мумкин.	(Detalizatsiya) - Fine art components (II) are as well. The artist may be different depending on the method of detail.
Деталь	(французча – detall – муфассаллик, мукамаллик): 1) элемент; 2) характерли қисм мукамаллиги; 3) тасвирдаги унча аҳамиятли бўлмаган қисми; 4) фрагмент.	(French - details - detailed benchmarks): 1) element; 2) characteristic of perfection; 3) The picture is not less important part; 4) fragment.
Жанр	(французча – genze - тур) – тасвирий санъатда мавзу ўхшашлигини бирлаштирувчи тушунча. Рангтасвирда: натюрморт, интерьер, пейзаж, портрет, сюжетли картина	(French - Genzyme - round) - unifying theme is similar to the concept of fine art. Rangtasvirida: still life, interior, landscape, portrait, bewitching painting (living history) species.

	(маиший, тарихий) турларидир.	
Живопись	(рангтасвир) – тасвирий санъатнинг етакчи туридан бири. Нафис тасвирий санъат холст, картон, қоғоз ва бошқалар сатҳ текислигида бўёқларда бажарилади. Рангтасвирда: сувли бўёқ – акварель, мойбўёқ, темпера, энкаустика, пастель – курук бўёқ, гуашь каби ашёлар (бўёқлар) ишлатилади.	(Painting) - one of the leading forms of fine art. Fine art canvas, cardboard, paper and other steps performed painted the plains. Rangtasvirida: watercolor, watercolors, oil paintings, tempered enkaustika pastel paint dry, like guash materials (paints).
Интерьер	(французча – interieur – ички, ичкаридаги) – ички кўриниш, бинонинг ички хоналари кўриниши ва унинг тасвирий саъатда тасвирланиши.	(French - interieur - inside, outside) - the view, the view of the interior of the building and its visual description of sa'atda. As well as the rooms within the building materials, walls (mosaic, fresco, patterns, fabrics).
Картина	(расм, сурат) – алоҳида белгиланган нафис тасвирий санъат асари. Расм (картина) ҳар хил жанрда бўлиши мумкин. Этюдга нисбатан борлиқни (натурани) пухта ўйланган ва пухта ишланган, тугатилган, деталлари ва шакллари моҳирлик билан акс эттирилган кўринишидир.	(Photo) - the delicate work of fine art. Photo (picture) may be a different genre. Essays assets (natural) well thought out and well-finished details are reflected in the forms and subtle forms.
Керамика	(грекча – keramikos – лойда ишланган кулолчилик асаридир) Амалий безак санъат асари. Ҳайкалтарошлик ва уй-рўзғор идишлари, буюмлари ҳар хил навли лойдан ва ҳар хил безакли	(Greek Keramikos - made of clay pottery works), applied decorative art. Sculpture and household utensils, pieces of various types of clay and a variety of decorative products, cooked xumbuzda.

	ишлов берилиб, алоҳида хумбузда пиширилади.	
Колорит	<p>(лотинча – color – ранг, бўёқ) – санъат асарининг алоҳида ранг ва тус тузилишидир. Колоритда реал борлиқ (натура)нинг табиий рангларини алоҳида мақсадли ажратиш бадиий образли бўёқларда акс эттириш. Ранглар мажмуаси ва ранг гўзаллиги нисбатлари. Иссиқ ва совуқ, ёрқин, қизғин, мовий каби гаммаларда бўлиши мумкин. Асар инсонда рухий ва бадиий образ хиссиётини уйғотиши мумкин</p>	<p>(Latin - color - the color of paint) - a work of art became a separate color and structure. Style real assets (in-kind) in the natural colors of the special purpose of art painted imagery of the display. A set of colors and the beauty of color ratios. Hot and cold, bright, red, blue gammalarda. Work can awaken feelings of the human spirit and artistic image</p>

VII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

VII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Бу юк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажакни фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3920-сон Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли [Фармони](#).
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли [Фармони](#).

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли [Фармони](#).

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 апрель “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4688-сонли Қарори

Ш. Махсус адабиётлар.

18. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

19. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

20. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

21. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

22. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

23. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

24. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf

25. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
26. Қодирхўжаев Ф. Бадиий безак санъати. Монография. - Т.: “Илм зиё”, 2017.
27. Р.Худайбергенов. Композиция. 2008. Шарқ нашр.
28. Ўзбекистоннинг замонавий санъати. – Тошкент, 2004.
29. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
30. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphics for Artists.- Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013.
31. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
32. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
33. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
34. Mitchell. H.Q. , Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
35. Mitchell. H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183
36. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
37. Paintings: that Changed the World. -Munich. Berlin, London, New York. - 2003.
38. Andrew Paquette. An Introduction to Compyuter Graphic for Artist.- Springer Publihing Company, Incorporated, USA 2013.
39. Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception:A Psychology of the Creative Eye.- Univercity of Californiya Press, USA 2004.
40. Н.Гилманова. Католог-2014. 6-10.

Интернет сайтлар

41. <http://edu.uz>
42. <http://lex.uz>.
43. <http://bimm.uz>
44. <http://ziyonet.uz> –
45. <http://www.dsmi.uz>.
46. <http://www.artsait.ru>
47. <http://artyx.ru/>
48. <http://www.art-drawing.ru>

